

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН

МУТАФАККИР

Тошкент – 2006

0

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН

МУТАФАККИР

*Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллиги ҳамда
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси ташкил топганлигининг 135 йиллиги
муносабати билан*

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти

Тошкент – 2006

78.342

М 24

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи

Муҳаррир

Масъул муҳаррир

Матн терувчи

М.Матмурадова

Ҳ.Маматраимова

О.Қиличбоев

З.Жалилова

Мангуликка муҳрланган мутафаккир:
Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллиги
ҳамда Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси ташкил топганлигининг 135 йиллиги
муносабати билан: Метод-библиогр. қўлл. /
Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси;
Тузувчи М.Матмурадова; Муҳаррир
Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир
О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном.
Ўзбекистон Миллий к-наси. нашриёти, 2006.- 82 б.

КБК 78.342+83.3 (5 У)+78.34(5 У)

Ўзбек адабиётининг асосчиси, илм ва маърифат куйчиси
Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллигига бағишланган,
ушбу методик-библиографик қўлланма мутафаккир ижодини,
меросини чуқур ўрганиш, тарғиб қилишда кутубхона ходим-
ларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда кутубхоначилар
ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳақида маълумотлар
берилган. Шунингдек, сўз мулкининг султони Алишер Навоий
номи билан аталадиган Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ташкил
топганига 135 йил тўлиш муносабати билан, кутубхонанинг
тарихи ва бугуни ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2006 й.

Муқаддима

*Барча олижаноб ишларимизда
Навоий ғоялари, Навоий ибрати,
Навоий руҳи бизга ҳамиша ҳамроҳ
бўлсин!*

И.Каримов

Ўзбек мумтоз адабиётининг XV асргача бўлган тарихий тараққиётига яқун ясаб, уни янада юқори поғонага кўтарган улуғ истеъдод соҳиби, мутафаккир Алишер Навоий ўз ижодий фаолияти билан жаҳон адабиётининг йирик намояндалари сафидан фахрли ўрин эгаллайди. Асарларида ҳамма даврлар учун беистисно улкан аҳамиятга молик юксак инсонпарварлик ғояларни катта санъаткорлик билан тараннум этган шоир ўз даври ижтимоий тафаккури даражасидан юқори кўтарилиб, она тилидаги адабиётни жаҳон микёсига олиб чиққан сўз санъаткоридир.

Алишер Навоий дастлаб адабиётга шоир сифатида кириб келган ва адабиётда шеърият қасрини курди, ғазал мулкининг султонига айланди, кейинчалик қатор дostonлар яратди, адабиётшунос, тилшунос, давлат ва жамоат арбоби сифатида дунёга танилди.

Алишер Навоий ўз халқини саводли, билимли, маданиятли кўриш руҳи билан қалам тебратди. У меҳнат-каш, пок, ҳалол, ўз ақл-фаросати, яхши одамлар қалбидаги заковат ва саховат, самимият, севги-садоқат, фидойилик, инсон бахти, халқларни, мамлакатларни дўстликка, ҳамкорликка, эзгуликка чақириш, инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғуларини улуғлади, мансабпарастлик, дунёпарастлик, шухратпарастлик, муттаҳамлик, адолатсизликлар, бузукликларни ўткир қалами тиғига олиб умр бўйи кураш олиб борди.

Алишер Навоийнинг яратган асарларида миллат тақдири, бирлиги, эл-юрт қайғуси, юртни ободонлаштириш, илм, санъат ва адабиётни ривожлантиришни, Ватанга муҳаббат, меҳнатга садоқат, ахлоқий юксакликка интилиш, гўзаллик ва муҳаббат, меҳр ва мурувват, шахс эркинлиги, ижтимоий адолат учун кураш ғоялари билан йўғрилганлигидир.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов: “Инсонни олам гултожи деб улуғлаган ҳазрат Навоийнинг бутун ҳаёти, бутун ижоди замирида эзгулик, адолат, нафосат каби юксак туйғулар дунёни обод ва мунаввар қилади, башариётни маънавий ҳалокатдан қутқаради, деган қатъий ишонч мужассам” деб бежиз айтмаганлар.

Ҳақиқатан ҳам Алишер Навоий ўзбек мумтоз адабиётининг асосчисидир. У XV аср ўзбек мумтоз адабиёти ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган улуғ сиймодир.

2006 йил 9 февралда Алишер Навоий таваллудига 565 йил тўлади. Ўзбек халқи, навоийшунослар ва адабиёт аҳли бу санани нишонлайдилар, чунки унинг яратган дурдоналари умумбашарийлиги ва ҳамма даврлар учун ҳозиржавоблиги билан барчани мафтун этиб келган, унинг асарлари жаҳон тилларига ва қардош халқлар тилларига таржима қилинган.

Бу сана муносабати билан кутубхоналарда шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-бадиий тадбирлар, навоийхонлик кунлари, давра суҳбатлари, навоийшунослар, адабиётшунослар, ёзувчилар ва шоирлар билан учрашувлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Республика кутубхоналарининг вазифаси китобхоналар диққатини Алишер Навоий ижодига жалб қилиш ва унинг ижодини, яратган дурдона асарларини тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда кутубхоналар адабиётнинг китоб тақдими, илмий-амалий, китобхоналар конференциялари, ада-

бий-бадий анжуман, ғазалхонлик, адабий-бадий, мавзули ва мунозара, савол-жавоб, учрашув ва хотира кечалари, билимдонлар, шеърхонлик беллашувлари, давра суҳбати, адабий-бадий сахналаштирилган мусиқали кеча, оғзаки журнал, китоб кўргазмалари, мутафаккир асарларининг обзорлари сингари турли-туман шакл ва усуллардан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун кутубхоналарда мавзунинг асосий мазмунини етказиб бера оладиган филологлар, тилшунослар, адабиётшунослар, навоийшунослар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар ҳамда адабиёт ўқитувчиларини жалб қилиш лозим.

Кутубхоналарга “Маънавият ва маърифат” марказининг жойлардаги бўлимлари, “Соғлом авлод учун”, “Олтин мерос”, “Маҳалла”, “Нуроний”, “Истеъдод” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, ёзувчилар уюшмаси вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, навоийшунослар, адабиётшунослар ва тилшунослар, файласуфлар, санъаткорлар, журналистлар, меъморлар, мусаввирлар, хотин-қизлар кўмиталари ва музей ходимлари билан ҳамкорликда оммавий тадбирларни ташкил этишлари ва ўтказишларини маслаҳат берамиз.

Ушбу методик-библиографик қўлланмада кутубхоналарда шоир таваллудининг 565 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишда кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган. Шунингдек, Алишер Навоий номи билан аталадиган зиё маскани Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ташкил топганига 135 йил тўлиши муносабати билан кутубхонанинг тарихи ва бугуни ҳақида маълумотлар берилган.

**Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти
(1441 – 1501)**

*Буюк гуманист шоиримиз фаолияти
ва ижодига теран назар ташиласак,
унинг даҳоси ижтимоий ҳаётнинг,
мафкура ва маданиятнинг барча соҳа-
ларини қамраб олганидан ҳайратга
тушамиз.*

И.Каримов

Ўзбек адабиётининг асосчиси, шоир, олим, маърифатпарвар, файласуф, мусиқашунос, давлат арбоби Низомиддин Мир Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида таваллуд топган. Унинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад замонасининг билимдон кишиларидан ва Темурийлар хонадонига яқин шахслардан бўлган. У гўдак-лигиданоқ шеърятга ва илм олишга қизиққан, фарзандига таълим-тарбия бериш учун муносиб шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилган. Алишер 4-5 ёшларида шахзода Ҳусайн билан бирга мактабда таълим олади. Унинг болаликдаги таълими изчил давом этмайди. Шохруҳ Мирзо вафотидан кейин мамлакатда тартибсизлик бошлангани туфайли Ғиёсиддин Муҳаммад 1449 йилда оиласи билан Ироққа кўчиб, Тафт шаҳрида яшай бошлади. Тафтда машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий турар эди. Ёш Алишер бу олимнинг суҳбатида бўлади. Али Яздий ёш Алишернинг ақли ва фаҳм-фаросатидан ғоят хурсанд бўлади. Шохруҳнинг набираси Абдулқосим Бобур 1452 йилда Ҳирот тахтига ўтиради. Ўша йили Ғиёсиддин Кичкина оиласи билан Ҳиротга қайтиб келади. У Абулқосим Бобур саройида хизмат қила бошлади. Кўп вақт ўтмай Абулқосим Бобур Ғиёсиддин Кичкинани Сабзавор шаҳрига ҳоким қилиб тайинлади.

Навоий Ҳиротда қолиб, ўқишни давом эттиради. У адабий асарларни кунт билан ўқий бошлаган. Алишер

Саъдийнинг “Гулистон”, “Бўстон”, Фаридиддин Атторнинг “Мантиқут-тайр” (“Куш нутки”) асарларини қайта-қайта мутолаа қилган ва ёд олган.

Алишер ёшлигиданоқ шарқ адабиётига, форс шеъриятига қизиққан. Унинг тоғалари Мир Саййид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар ўша даврнинг таникли шоирлари бўлган. Алишерлар хонадонидан тез-тез шеърий суҳбатлар бўлар, чолғучилар сози, ҳофизларнинг хониши доимо эшитилиб турилган. Бундай муҳит Алишерга ижобий таъсир қилади. Шеъриятдаги илк устози тоғаси Мир Саййид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлардир. Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида Кобулий ҳақида: “Яхши таъби бор эрди, туркчада майли кўпроқ эрди...”-деса, Ғарибий ҳақида: “Хуш муховара (хушсуҳбат) ва хушхулқ ва дардманд йигит эрди. Кўпроқ созларни яхши чалар эрди. Уни ва усули хўб эрди. Мусиқий илмидин ҳам хабардор эрди...”-дейди.

Алишер бадий асарларни ўқиш ва ўрганиш билан кифояланиб қолмай, ўзи ҳам шеърлар ёза бошлади. У 10-12 ёшларидаёқ илк шеърлари билан машҳур бўлиб, катта санъаткор ва олимларнинг диққатини ўзига жалб қилди. Алишернинг истеъдодидан мамнун бўлган мавлоно Лутфий (Хондамирнинг хабар беришича) унинг:

Оразин ёпқоч кўзимдан сочилур ҳар лаҳза ёш,

Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгоч қуёш...

матлаъли ғазалини тинглаб, “Агар мумкин бўлса эди, мен ўзимнинг форсий ва туркий тилларда айтган ўн-ўн икки минг шеъримни шу бир ғазалга алмашар эдим”,-деган.

Алишер отадан ёш қолди. У маърифатпарвар ҳукмдор Абулқосим Бобур қарамоғида тарбиялана бошлади. У 15 ёшида Султон Ҳусайн Бойқаро билан бирга Абулқосим Бобурнинг саройида хизмат қила бошлади. Абулқосим Бобур 1456 йилда Машҳадга жўнайди. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ҳам Абулқосим Бобур билан Машҳадга бориб, ўша

ерда ўқишни давом эттиришади. 1457 йилда Абулқосим Бобур вафот этади. Навоий Машҳадда қолиб ўқийди.

Навоий мантиқ, фалсафа, риёзиёт ва бошқа фанлар билан шуғулланади. Фирдавсий, Низомий, Хисрав Дехлавий, Саъдий, Атоий, Лутфий ва бошқа ёзувчиларнинг асарларини кунт билан ўргана бошлайди. У ўзбек ва форс-тожик тилларида бир қанча шеърлар битиб, икки тил билимдони сифатида шуҳрат қозонади. Ўзбек тилидаги шеърларида “Навоий” (“наво”-куй сўзидан), форс-тожик тилидаги шеърларида эса асосан “Фоний” (“фано”-вақтинча, ўткинчи сўзидан) олиб ва баъзан “Навоий” тахаллусини қўллайди.

Навоий Машҳадда Сайид Ҳасан Ардашер ва Камол Турбатий каби даврининг машҳур шоирлари билан танишади. Навоий билан танишган маърифатпарвар кишилар унинг қобилиятига тан берган ва у билан умрбод дўстона муносабатда бўлиб қолган.

Навоий тахминан 18-19 ёшларида Абдурахмон Жомий билан танишади. Навоийнинг билими ва қобилиятидан мамнун бўлган Жомий уни ҳам шогирд, ҳам фарзанд деб билади.

Ҳиротдаги тож-тахт талашлари бирмунча пасайгандан кейин Навоий Ҳиротга қайтади. Бироқ, Хуросон тахтини эгаллаб турган Абусаид Мирзо бадахшонийлар кўзғолонига хайрихоҳ бўлган ва тоғалари ҳам унда иштирок этган халқпарвар ва маърифатпарвар Алишер Навоийни, Заҳириддин Бобур сўзи билан айтганда, Ҳиротдан “ихрож” (сурғун) қилган.

Навоий йирик маданий марказлардан бири Самарқандга келиб, машҳур олим Фазлуллоҳ Абу Лайс мадрасасида ўқиб, турли фанларга оид билимларини янада чуқурлаштирди. Самарқанднинг кўзга кўринган шоирлари – Шайхим Сухаймий, Мирзобек, Мавлоно Ховарий, Мир Қарший, Ҳарими Қаландар, муаммоғўй Улойи Шоший,

олим Мавлоно Муҳаммад Олим ва бошқалар билан ҳам-сухбат бўлди ва дўстлашди. Самарқанд шаҳри ҳокими Аҳмад Хожибек асли ҳиротлик бўлиб, Вафой тахаллуси билан шеърлар ёзарди. У Алишер Навоийга алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қаради. Унинг ёрдамида Алишер Навоий давлат ишлари билан ҳам шуғуллана бошлади. У давлат ишларини бошқаришда дастлабки тажрибани шу ерда орттирди ва бу унга кейинчалик асқотди. Алишер Навоийнинг Самарқанддаги сиёсий ва давлат фаолияти юқори баҳолашиб, унга “Чигатой амири” унвони берилган.

1469 йилнинг бошларида Султон Абу Саид Қорабоғда ўз аскарлари томондан ўлдирилади. Шундай вазиятни кутиб юрган Ҳусайн Бойқаро зудлик билан келиб, Ҳирот тахтини эгаллайди. 1469 йилнинг апрелида Навоий яна Ҳиротга қайтиб келади ва 1469 йил 14 апрель куни, рамазон ҳайити муносабати билан уюштирилган қабул маросимида Алишер Навоий ўзининг Ҳусайн Бойқарога янги ёзган “Ҳилолия” қасидасини тақдим этади.

Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни муҳрдор қилиб тайинлайди. Муҳрдорлик вазифаси Навоийнинг ижодий ишлари билан кўпроқ шуғулланишга имкон бермас эди. Шунинг учун бу вазифадан истеъфо беради. Бироқ, орадан кўп ўтмай, 1472 йилнинг феврал ойида Ҳусайн Бойқаро уни ўз саройининг бош вазири қилиб тайинлайди ва унга “Амири кабир” унвонини беради. Алишер Навоий янги лавоором, 9 кўприк, 20 га яқин ҳовуз қурган ёки таъмирлаттирган. Улар орасида Ҳиротдаги “Ихлосия”, “Низомия” мадрасалари, “Халосия” хонақоҳи, “Шифоия” тибгоҳи, Қуръон тиловат қилувчи-ларга мўлжалланган “Доруд-хуффоз” биноси, Марвдаги “Хусравия” мадрасаси, Машҳаддаги “Дорул-хуффоз” хайрия биноси ва бошқа ноёб меъморлик ёдгорликлари бор. Шунингдек, улуғ амирнинг кутубхонасида 70 дан ортиқ хаттот ва мусаввирлар

кўлёмаларни оққа кўчириш, уларни бадий безаш билан банд бўлганлар.

Бу даврда Ҳиротда адабий ҳаёт жўш урган. Алишер Навоий атрофида Шайхим Сухайлий, Хожа Осафий, Биноий каби ўнлаб шоирлар, Ҳасан Ноий, Хожа Абдулло Марворий, Қулмуҳаммад Удий, Шохқули Гижжакий каби ўнлаб созандалар, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Султон Али Машҳадий, Абдужамил Котиб, Хожа Ҳофиз Муҳаммад, Султон Али Коиний, Муҳаммад Хандон, Мавлоно Ҳижроний каби машҳур котиблар, Камолиддин Бехзод каби мусаввирлар қизгин ижод билан банд бўлганлар.

Алишер Навоий ҳам бу даврда қизгин ижодий ишга берилиб, ўзбек адабий тилини тараққий эттириш, бу тилда катта бадий асар яратиш, уларда мамлакат ва халқ манфаатларига қаратилган энг долзарб масалаларни ёритиш вазифаларини ўз олдига қўяди ва бу ишга киришади.

Навоий дастлаб лирик шеърлари билан кенг шуҳрат қозона бошлайди. У ўзбек тилидаги дастлабки йирик асарини, яъни “Ҳилолия” қасидасини Султон Ҳусайн Бойқарога бағишлаган бўлса, форс тилидаги биринчи йирик асари “Тухфат ул-афкор” (1476) қасидасини Жомийга бағишлаган эди.

1470-йилларнинг охирларида Алишер Навоий ўзининг ўзбек тилида ёзган шеърларидан иборат илк девони – “Бадоеъ ул-бидоя” (“Бадийлик ибтидоси”)ни тузди. Ушбу девонда 777 ғазал, 85 рубоий, 52 муаммо, 46 қитъа, 53 фард, 11 туюқ, 10 луғз, 3 мустазод, 5 мухаммас, 3 таржеъбанд, 2 мусаддас бўлиб, бундай мукамал девонни тузиш Навоийгача камдан-кам ўзбек шоирига насиб этган.

У ўзбекча шеърлари асосида 1480 йилларнинг охирида “Наводир ун-нихоя” (“Беҳад нодирликлар”) девонини тузади. 1481 – 1482 йилларда Алишер Навоий “Чихл ҳадис” (“Қирқ ҳадис” ёки “Арбаъин”) асарини ёзади.

Бунда Муҳаммад пайғамбарнинг қирқ ҳадиси тўртлик билан шеърӣ ифодалаб берилган. У 1485 йил муаммо ёзиш қоидалари ҳақида махсус ”Муфрадот” асарини яратган.

Алишер Навоийда ўзбек тилида “Хамса”–беш дoston яратиш мақсади ёшлигидан бўлган. Ушбу мақсадини 1483 – 1485 йилларда амалга оширади. Асар ўзбек адабиёти шухратини оламга ёйиб, жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бирига айланди.

“Хамса” ўз ичига беш дostonни қамраб олган бўлиб, унинг биринчи дostonи “Ҳайрат ул-аброр” (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”)ни 1483 йилда ёзган. Кейин “Фарҳод ва Ширин” (1484), “Лайли ва Мажнун” (1484), “Сабъаи сайёр” (“Етти сайёр”) (1484), дostonларини ёзган. 1485 йилда “Хамса”нинг охириги дostonи “Садди Искандарий”ни поёнига етказди. Шоир ўз “Хамса”сига киритилган дostonларда ўша давр учун муҳим бўлган муаммоларни қўйди, мутафаккир сифатида илғор қарашларни илгари сурди, ўзбек тилининг қудратини оламга намойиш этди. Навоий шу йиллар орасида иккинчи девони – “Наводир ун-ниҳоя” (“Беҳад нодирликлар”) ни яратди.

Алишер Навоий 1485 йили машҳур “Назм ул-жавохир” (“Ҳикматли сўзлар манзумаси”) асарини ёзади, бунда биринчи халифаликдан бўлмиш Ҳазрат Алининг 266 та ҳикматли гапи рубоӣ тарона шаклида баён этилган.

Алишер Навоийнинг инсонпарварлик фаолияти, илғор қарашлари, унинг обрў-эътибори халқ орасида тобора ортиб бориши ўз манфаатларини кўзлаган сарой аъёнлари шоир билан подшо орасига нифоқ солишга уриндилар. Натижада 1487 йилда Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни вазифасидан бўшатади, бош вазир вазифасини Муҳаммад Мажидиддин эгаллайди. Навоий эса Астрободга ҳоким қилиб тайинланади. Навоий ҳокимлик қилган 2 йил давомида Астробод шаҳри ва вилояти ободонлашиб, қўшни давлатлар билан яхши муносабатлар ўрнатади, савдо

ишлари йўлга қўйилади. Алишер Навоий Астрободда ҳам кўп янги шеърлар ёзган, Ҳиротдаги ёр-дўстларига мактублар йўллаб турган.

Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” (Пайғамбарлар ва табиблар тарихи: дин ва тиббиёт тарихидаги буюк шахслар ҳаётдан умумтарихий рисола) (1488), “Сирож ул-муслимийн” (“Муслмонлар чироғи”) (1488) каби асарларини ҳам яратган.

Астрободда Навоий билан Ҳусайн Бойқаро муносабатларига путур етказувчи гаплар юзага келгач, подшоҳ Алишер Навоийнинг Ҳиротга қайтишига рухсат беради. Ҳусайн Бойқаро Навоийга бир неча юксак лавозимларни таклиф қилади. Бироқ, Алишер Навоий рози бўлмагач, унга “Муқарраби ҳазрати султоний” (“Султон ҳазратларининг энг яқин кишиси”) деган расмий унвон берилади.

У ҳамиша кўпроқ ижодий ва илмий ишлар билан шуғулланиш, бу борадаги режаларни амалга ошириш ҳаёли билан яшарди.

Бирин-кетин Навоийнинг энг яқин устоз ва мусоҳиблари ҳаётдан кўз юмдилар. 1488 йили Саййид Ҳасан Ардашер, 1492 йили Абдурахмон Жомий, 1493 йили Паҳлавон Муҳаммад вафот этади. Навоий устозлари хотирасига “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” (“Беш ҳайрат”) асарларини шу йиллар ичида ёзиб тугаллади. Астрободда ёза бошлаган “Тарихи мулуки Ажам” (“Ажам подшоҳлари тарихи”) асарини тугаллади (1489). Навоий “Тарихи мулуки Ажам”да қадимги Эрон подшоҳлари, уларнинг тарихида муҳрланиб қолган ишлари ва шахсиятлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари ислом дини тарихи билан боғлиқ ривоятлар ва адабий асарларни, хусусан бир қатор пайғамбарлар ҳаётини,

Букрот, Афлотун, Батлимус каби донишмандларни билиб олиш учун муҳим манбадир.

Навоий 1490 йил ўзига замондош шоирлар ҳақида Жомийнинг “Баҳористон”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарлари шаклида “Мажолис ун-нафоис” (“Нафислар мажмуаси”) тазкирасини тузишга киришиб, уни 1492 йилда тамомлади. Ушбу тазкирада ўзбек ва форсий тилларда ижод қилган 459 шоирнинг ҳаёти ва ёзган асарлари ҳақида ноёб маълумотлар берган.

У 1492 йилда аруз илмига бағишланган “Мезон ул-авзон” (“Вазнлар ўлчови”) рисоласини яратган. 1494 йилда туркий тилдаги мактубларни тўплаб “Муншаот” (“Мактублар”) мажмуасини тузган. “Муншаот” асари унинг туркий тилда ўз замондошлари – подшоҳлар ва шахзодалар, илм ва адабиёт аҳллари билан олиб борган ёзишмалари мажмуидан иборат, мактуб жанрининг мукамал намуналари саналади. Шунингдек, Навоий 1494 йилда ислом маънавиятининг буюк сиймолари, хусусан, турк, форс, хинд машойихларига оид “Насоим ул-муҳаббат” (“Муҳаббат шаббодаси”) рисола-сини ёзади.

Алишер Навоий 1491 – 1492 йиллардан бошлаб туркий тилда ёзилган ҳамма шеърларидан янги йиғма девон тузишга киришади ва бу иш 1498 – 1499 йилларда ниҳоясига етади. Девоннинг умумий номи “Хазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) бўлиб, 4 қисмдан иборат бўлганлиги учун “Чор девон” деб ҳам аталган. Девоннинг биринчи қисми “Ғаройиб ус-сиғар” (“Болалик ғаройиботлари”), иккинчи қисми “Наводир уш-шабоб” (“Йигитлик даври нодирликлари”), учинчи қисми “Бадоеъ ул-васат” (“Ўрта ёш бадиалари”) ва тўртинчи қисми “Фавойид ул-кибор” (“Кексалик фойдалари”) деган номлар билан аталади.

Навоий “Хазойин ул-маоний”га лирик турнинг 16 жанридаги шеърларини, жумладан, 2600 ғазал, 210 қитъа, 133 рубоий, 86 фард, 5 муаммо ва бошқаларни киритган.

Алишер Навоийнинг шеърий даҳоси XV аср охирларига келиб яна жўш уради. У 1498 йилда “Лисон ут-тайр” (“Қушлар тили”) фалсафий достонини, 1499 йилда “Муҳокамат ул-луғатайн” (“Икки тил муҳокамаси”) номли илмий асарини яратган.

Навоий “Лисон ут-тайр” достонини “Хамса” дан 14 йил кейин яратган. Бу асарини шоир “Фоний” тахаллуси билан ёзган. Чунки бу даврда унинг ҳаёти кексаликка юз ўгирган, аниқроғи, бу дунёсидан кўпроқ у дунёсини ўйлай бошлаган эди. Ушбу асар болалигида севиб ўқигани – Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” (“Қушлар тили”) достонига жавоб тарзида, шоирнинг ўз таъбири билан айтганда “таржима расми била” юзага келтирган шеърий мўъжизаси эди.

“Лисон ут-тайр” достони 100 минг байтдан иборатдир. Ушбу бой мерос билан Алишер Навоий ўзбек адабиётини жаҳон юксаклигига кўтарди ва адабий тилига асос солди. Ўзбек адабиётида лирик жанрлар ва достончиликнинг энг юқори тараққиёти Алишер Навоий номи билан боғлангандир.

Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида туркий тилнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўрни, унинг грамматик мукамаллиги, сўзларга бойлиги, форсий тил қоидалари ва ҳадисаларига қиёсланган ҳолда чуқур ва аниқ мисоллар орқали таҳлил этилган.

Алишер Навоийнинг сўнгги буюк асарларидан яна бири насрий панднома йўсинида ёзилган “Маҳбуб ул-қулуб” (“Қалблар севгани”) дир. У Шарқ адабиёти тарихида Шайх Саъдийнинг “Гулистон”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Низомий Арузи Самарқандийнинг “Чор мақола” каби асарлари қаторида туради. Бу асарида Алишер Навоий ўзининг ҳаёт йўлини, бошидан кечирган турмуш машаққатларини ёрқин тасвирлаб берган.

Асар 3 қисмдан иборат. Унинг биринчи қисми 40 фасл. Ҳар бир фаслида муаллиф ўзи яшаган даврдаги бир табақа ҳаёти, ахлоқи ва вазифалари ҳақида суҳбат юритади. У ушбу табақа вакиллари яхши ишлари ҳақида ҳам, айб ва нуқсонлар ҳақида ҳам гоҳ ҳалимлик билан, гоҳ ғазаб-нафрат билан мулоҳаза юритиб, уларни инсофга чақирмоқчи, тарбияламоқчи бўлади. Асарда Алишер Навоийнинг инсон ахлоқи ва тарбиясига доир энг ноёб панд ва насиҳатлари халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлари шаклида баён қилинган.

1500 йилнинг 28 декабрида Ҳусайн Бойқаро исён кўтарган ўғли – Муҳаммад Ҳусайн билан сулҳ тузиб, Ҳиротга қайтар экан, Алишер Навоий ҳам уни кутиб олиши лозимлигига ишорат қилади. Орада 2-3 кунлик йўл бор эди. Алишер Навоий ўзининг сўнгги шеърини Поёб работида ёзган ва ундан нусха кўчиртириб, келаётган Ҳусайн Бойқарога юборган. Учинчи куни Алишер Навоий ҳукмдор истиқболига яқинлашаётганида ўзини ёмон ҳис этган, у билан кўришаётганда ҳушидан кетиб, қайтиб ўзига келмаган ва 1501 йилнинг 3 январиди вафот этади. Бутун Ҳирот каттиқ мотам тутди. Мусибатли хабар тезда бутун Хуросонга, Мовароуннаҳрга ва бошқа жойларга бориб етди. Кўп шоирлар, тарихчилар Навоийнинг хотирасига бағишлаб асарлар ёздилар.

Хондамир Навоий ўлимининг бутун мамлакат учун қандай оғир мусибат бўлганини тасвирлаб, шундай қитъа битган эди:

*Ўлимидан ҳар бир уйга тушди мотам.
Мамлакатнинг ҳар бурчида чиқди фиғон.
Темир юрак, тош юракли кишилар ҳам.
Бу даҳшатли мусибатдан ютдилар қон.*

Алишер Навоийнинг асарлари жаҳон миқёсида кенг тарқалган. Унинг асарлари ўнлаб хорижий тилларда, жумла-

дан, форс, италян, немис, француз, голланд, венгер, чех, румин, поляк, хинд, турк, инглиз ва кардош халқлар тилларидан рус, грузин, озарбайжон, туркман, қозоқ, тожик, татар, уйғур, украин, латиш, арман, эстон, қирғиз. ва бошқа тилларга таржима қилиниб қайта-қайта нашр этилиб келинмоқда.

Алишер Навоий вафот этгандан кейин ўтган давр мобайнида унинг асарлари форсий ва туркий халқлар орасида кенг ёйилди. Атоқли тожик шоирларининг кўпчилиги, Фузулий, Кишварий, Мирзо Фатали Охундов, Собир каби озарбайжон ёзувчилари, Озодий, Махтумқули ва Зелили каби туркман шоирлари, қозоқ ёзувчиси Абай Қўнонбоев, қорақалпоқ соҳибқаламлари Бердақ, Ажиниёз, татар шоирлари Абдулла Тўқай, Қаюм Носирий ва бошқалар Алишер Навоийга юксак баҳо бериб, асарларидан таълим олдилар, айрим асарларига назира битдилар.

Алишер Навоий ижодиётига қизиқиш, уни ўрганиш Европа ва Россияда ҳам катта тарихга эга. Француз шарқшуноси Катрмер 1841 йилда босилган хрестоматиясига Навоийнинг икки асарини: “Муҳокамат ул-луғатайн” ва “Тарихи мулуки Ажам”ни киритди. Кейичалик рус олими И.Н.Берёзин “Турк хрестоматияси” китобида Навоий асарларидан бир неча парча берди. М.Никитский 1856 йилда биринчи марта манбалар асосида “Амир Низомиддин Алишер, унинг давлат ва адабиёт соҳасидаги аҳамияти” мавзуида магистрлик диссертациясини ёзади. Шу билан бирга, Н.И.Ильминский, В.В.Вельяминов-Зернов, В.В. Бартольд, Е.Э.Бертельс, С.И.Иванов, Н.И.Конрад, М.Белин, Паве де Куртейль, Э.Браун ва бошқа шарқшунослар Алишер Навоий фаолияти ва мероси билан шуғалланганлар.

Туркистонда XX аср бошидан бошланган, ташаббускори жадидлар бўлган маърифий уйғониш Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда ҳам ўз ифодасини топди. 1919 йилда Тошкентда Фитрат нашрга тайёрлаган

“Инсоният ҳақида Навоийнинг фикри” номли рисола босмадан чиқди.

Шундан сўнг Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва оммалаштириш кенг тус олди. Адабиётшунослик фанида навоийшунослик соҳаси юзага келди.

XX аср 30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб О.Шарафиддинов, Иззат Султон, П.Шамсиев, Ғ.Каримов, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, М.Шайхзода, Х.Зариф, С.Нарзуллаевалар Алишер Навоий мероси билан фаол шуғуллана бошладилар.

XX асрнинг 50-йилларида навоийшунослар сони янада тўлишди. Унинг сафларига А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, Н.Маллаев, Ҳ.Сулаймонов, Б.Валихўжаев, А.Абдуғафуров, С.Эркинов, Э.Рустамов, С.Ғанива сингари ўнлаб истеъдодли тадқиқотчилар келиб қўшилди ва салмоқли ишлар қилдилар.

1960 – 1980 йилларда Навоий ижодини ўрганиш давом этди, жумладан Б.Бафоев, А.Валихонов, Х.Дониёров, Т.Зоиров, Ҳ.Султонов, Э.Шодиев, Н.Ҳаққулов, Ҳ.Ҳомидов, М.Қодиров, Т.Жалолов, Ойбек ва бошқаларнинг қатор рисоалари яратилди.

Алишер Навоий ижоди бўйича ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ёзилган ва ёзилмоқда.

Шунингдек, Навоий образи бадиий асарларда ҳам ўз аксини топди. Жумладан, ёзувчи Ойбек “Навоий” романини, “Бола Алишер” қиссасини, Иззат Султон “Навоийнинг қалб дафтари” хужжатли қиссасини, Лидия Бать “Ҳаёт бўстони” қиссасини, Миркарим Осим ҳикоялар туркумини, Б.Бойқобилов “Шукуҳли қарвон” шеърӣ романини, Иззат Султон ва Уйғун “Алишер Навоий” драмасини, И.Махсумов бастакорлар Ю.Ражабий ва С.Жалил билан ҳамкорликда “Навоий Астрободда” мусиқали драмасини яратдилар.

Қатор шоир ва шоираларимиз Алишер Навоий ғазаларига мухаммаслар ёздилар ва қасидалар битдилар, бобомиз ҳақида минглаб шеърлар ёздилар.

Алишер Навоий образи киноэкранда ҳам мужассамлашди. Алишер Навоий дostonлари асосида яратилган “Фарход ва Ширин” мусиқали драмаси, “Лайли ва Мажнун”, “Сухайл ва Меҳри” балети, “Дилором” операси, “Искандар” драмаси театр санъатининг энг яхши асарларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, Ойбекнинг “Навоий” романи асосида яратилган видеофильмлар фикримизнинг далилидир.

Мустақиллик бизга барча кадриятларимиз қатори мутафаккир, жаҳон адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган Алишер Навоий меросини ўрганишнинг кенг уфқларини очди. Эндиликда унинг ижодини аслича, моҳиятини тушуниб ўрганиш имконияти юзага келди. 1991 йилда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги нишонланди. 1991 йил “Навоий йили” деб номланди. Ҳар йили Алишер Навоий туғилган кун 9 февралда илмий-анъанавий конференция ўтказилиб, конференцияда ўқилган маърузалар рисола сифатида нашр қилиниб келинмоқда. Шунингдек, мустақиллик йилларда Навоий ижоди навоийшунослар томонидан ўрганилиб у ҳақида ва асарлари ҳақида қатор рисолалар яратилди. Жумладан: М.А. Азимбоевнинг “Навоий ва ҳозирги замон” (1991), З.М. Ақромовнинг “Навоий ва ҳаёт” (1991), Р.Воҳидовнинг “Навоийнинг номи барҳаёт” (1991), “Навоийнинг икки дурдонаси” (1992), Н.Маллаевнинг “Сўз санъатининг гултожи” (1991), М.Муҳиддиновнинг “Икки олам ёғдуси” (1991), А.Қодировнинг “Навоий ва тиббиёт” (1991), Ҳ.Қудратиллаевнинг “Навоийнинг адабий-эстетик олами” (1991), А.Қаюмовнинг “Нодир саҳифалар” (1991), М.Ҳақимовнинг “Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар” (1991), С.Ҳасановнинг “Навоийнинг етти тухфаси” (1991), А.А.Абдуазизов-

нинг “Алишер Навоий меросининг хорижий элларда ўрганилиши” (1992), А.Абдуғафуровнинг “Навоий ижодида сатира” (1992), Н.Ражабовнинг “Алишер Навоий ва она тилимиз” (1992), Ҳ.Бобоевнинг “Алишер Навоий буюк давлат арбоби” (1993), Олим Султонмуроднинг “Нақшбанд ва Навоий” (1996), Жумахўжа Нусратиллонинг “Сатрлар силсиласидаги сеҳр” (1996), Ш.Шариповнинг “Лисон уттайр ҳақиқати” (1998), З.Ғаффорованинг “Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари” (2001), Муҳаммад Носирнинг “Анкони маҳрам қилдингиз... Навоийнома” (2004), М.Абдухайровнинг “Навоий мероси сўз маҳзани” (2005) каби рисоалар яратилди.

Буюк сўз султони, ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккирига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатила бошланди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти - Ўзбекистон Республикасининг бадий ижод соҳасидаги энг олий мукофоти, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан 1989 йилда 13 сентябрда таъсис этилди. Бу мукофот Ўзбекистоннинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлган, миллий кадриятлар хазинасини бойитган адабиёт, санъат ва меъморлик соҳасидаги энг ёрқин ва сермазмун асарлар учун берилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий боғи, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти, Адабиёт музейи, Тошкентдаги Катта академик опера ва балет театри, Самарқанд Давлат университети, вилоят, шаҳар, метро бекати, мактаблар ва кўчаларга, жамоа хўжаликлари, маҳаллаларга унинг номи берилган. Шунингдек, Олий ўқув юрти бакалавр ва магистрларнинг энг иқтидорли талабалари учун Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси мавжуд.

Алишер Навоий қолдирган маънавий мерос – унинг нодир асарлари мангуликка даҳлдордир.

Алишер Навоий рубойларидан намуналар

*Гул борди эса, чаман муаттар бўлсун,
Шамъ ўчти эса, қамар мунаввар бўлсун.
Шаҳзодага гар равза муяссар бўлди,
Султонга жаҳон мулки муяссар бўлсун.*

* * *

*Кўнглум гулу сарв майли қилмас, нетайин?
Сарву гул ила даме очилмас, нетайин?
Ҳар шўх кўрунса, кўзга қилмас нетайин?
Бир шўхким, ул тилар-топилмас, нетайин?*

* * *

*Шоҳ адолат уйини қураман, деб
Қанча мумкин бўлса, шунча интилдим.
Тангридан шамга қанча нур етар бўлса
Парвона жони куймагидан шунча узрли бўлади.*

* * *

*Эй, улки, сўзунг тушти ҳабиб олдида хўп,
Мендин йўлига бошинг қўюб, туфрогин ўп,
Аҳбобга ҳам бирин-бирин хизмат этиб,
Арз айла, ниёз ила дуо кўптин-кўп.*

* * *

*Бердинг манга дайр аро иқомат, эй, муг
Туттунг қадаҳи майи маломат, эй муг,
Бу ишни худ айладинг каромат, эй муг,
Ё рабки, ҳамиша бўл саломат, эй муг.*

* * *

*Эй, жони ҳабибу кўнгли аҳбобга лол,
Мен ҳам қилдим жону кўнгулни ирсол.
Кўнглумга бер аҳбоб била жони висол,
Жонимни ҳабиб оёғи туфрогига сол.*

* * *

*Жонимга этибтурур хумор, эй соқий,
Май тутқилу берма интизор, эй, соқий,*

*Аввал ўзунг айла ихтиёр, эй соқий,
Тутқил манга сўнгра зинҳор, эй соқий.*

Навоийнинг ҳикматли сўзлари

*Бошни фидо қилгил ато бошига,
Жисмни қил садқа ано қошига.
Тун-қунингга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

* * *

*Карам ва мурувват ато ва аnodурлар,
Вафою ҳаё икки ҳамзод фарзанд.*

* * *

*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила.
Айламак осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила.*

* * *

*Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори бил.*

* * *

*Жаҳон илмики бу кун менга ёд эрур,
Анга барча жаҳл аҳли устод эрур.*

* * *

*Бу гулиан ичра йўқдир бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.*

* * *

*Сабр била боғлиқ иш очилур,
Ишда ошиққан кўп тойилур.*

Президентимиз И.А.Каримов

Алишер Навоий ҳақида

*Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт
мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон
адабиёти тарихида камдан-кам топилади.*

* * *

Инсоний ишқ-муҳаббатни, меҳру вафо, иффат, шарму ҳаё ва назокатни ёниб, ҳассослик билан куйлаган Навоийнинг гўзал сатрларини ўқиганда буюк ва олижаноб қалб садоларини сезиб турамыз. Бу юрак тугёнлари, мана, орадан беш ярим аср ўтса ҳамки, миллионлаб одамларни ҳаяжонга солиб келмоқда.

* * *

Она тилига муҳаббат, уни улуғлаш, беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу тафаккуримизга, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келган.

* * *

Алишер Навоийнинг тарих ва башиарият олдидаги улуғ хизматларидан бири шундаки, у адолат туйғусини ҳар бир инсон, ҳар қайси халқ ва миллат интилиб яшайдиган олий мезон даражасига кўтарди, одамзодни ҳаётда адолатни қарор топтиришига, уни асраб-авайлашга чорлаб ўтди.

* * *

Навоий ҳазратларининг том маънода халқпарвар шахс бўлгани, унинг ўлмас зоялари бугунги кунларимиз учун ҳам бағоят ҳамоҳанг ва ибратли экани, айниқса, аҳамиятлидир.

* * *

Мовароуннаҳр заминида пири комил авлиё даражасига кўтарилган бу муътабар зот халқ орасидаги беқиёс обрў-эътибори, нуфузи билан мамлакатдаги тинчлик ва барқарорликнинг ўзига хос кафолатига айланган эди.

* * *

Улуғ аждодимиз яратган қаҳрамонлар – хитой, арман, араб, форс, юнон, ҳинд каби турли миллат вакилларининг эзгу мақсадлар йўлида елкадош бўлиб, қийинчилик ва синовларни биргаликда сабот билан енгиб ўтганда

бугунги долгали замон учун ҳам муҳим рамзий ва амалий маъно бор.

** * **

Ҳазрат Навоий шундай буюк зот экан, унинг тафаккур дуроналари бўлмиш боқий асарлар замонлар оша яшаб келаётган экан, бу улуг меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, маънавиятни юксакликка қўтаришда, инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

Алишер Навоий замондошлари хотирасида

*Дўст билан агар топишса дўст-ёр,
Орзулар дарахти бўлур ҳосилдор.*

*Умид ганжинасин калидидир ёр,
Фароғатли ҳаёт хамдамидир ёр.*

*Яшамоқ мақсуди эрур ёр, бил,
Бу ишининг ёрсиз бекор, бил.*

*Аввали ҳаётдан топгунга барҳам,
Парвоз эта олмас ёлғиз қуш бардам.*

*Хуллас, ошнолик, дўстлик богида,
Навоий нағмасоз вафо шохида.*

*Яъники, Навоий лутф этгай
Шикасталар кўнглин овутгай.
Бундан соз иш бўлганми зинҳор?
Бу дўстнинг фидоси бўлсин дўсту ёр.*

Жомий

*Фалак мири жаноби Алишер улуглигидир,
Камолоти етуклигини фаҳмлашга ақл оғизлик қилади.*

*Шаъбонойи охирида дод-адл учун девонга ўлтурди,
Бу унинг ҳаққи эди одил подшоҳ лутфидан.
Замон султони давлатида муҳр босгани учун,
“Мир Алишер муҳр зад” сўзи бунга тарих бўлди.*

Бурҳониддин Атоуллоҳ

Бу улуг амирнинг мақбул табиати ва мулойим унсури султон жанобларига яқинлик, мусулмонларнинг муҳим ишлари га кафиллик, шариату суннат, мулку миллат ишларини равнақ эттириши билан банд бўлса-да, ҳамма вақт фазилат орттириши, илм билан машғулдир. Унинг ҳамсуҳбатлари хуштаъб, фозил кишилардир. Унинг мақбул хотири аҳли дилдан бошқани истамас, оғир табиатлилар унинг ҳиммат назарига енгилтак бўлиб кўринар, балки ноаҳиллар унинг латиф мажлисларига киролмасдилар...

** * **

Улуг амирнинг туркий девони султонлар, аслзодалар мажлиси бегадир. Навоси наво оҳангида ушшоқи бенаволарни тўғри йўлга солиб қўяди. Мухолифлар унинг қалами гижирлашидан мағлуб, хусравоний оҳанги Султон Ҳусайнга маҳбубдир. Қандай яхшики, унинг овозаси турклар мамлакатидан Ҳижозгача... довруги Нишопурдан Исфаҳонгача етди. Ажсам мамлакати аҳли қулогига бу садодан сирга тақиб, оламнинг ҳамма бурчаклари бу дарё гавҳари била тўлиб тошгандир. Тонг насими унинг хабарини Ироққа етказди ва Туби дарахти баргларини бу ниҳол шохчаларига ёпиштирди...

Давлатшоҳ Самарқандий

...Ўткир кўз эгаларининг ҳузурида махфий ва яширин қолмасинки, шараф ва улуглик осмонининг қуёши, дунё буюқларининг пешвоси, яхши хулқлар манбаи... илм ва ирфон эгаларининг намояндаси, таҳқиқ ва ишонч аҳяларининг қибласи, ҳоқон давлатининг таянчи ва ҳазрати султоннинг яқини, фақирликка бою, ҳимматга ботир, олий ҳазрат низомулҳақ вал ҳақиқат ваддунё ваддин амир

Алишернинг... узлуксиз меҳрибончиликлари шуъласи, илтифот ва гамхўрликлари офтоби Хондамир деб шуҳрат қозонган бу фақир банда ва ҳақир зарра Фиёсуддин ибн Ҳумомуддин бошига тобланди, балки вужудининг ниҳоли ёш чоғидан то йигитлик даврининг охирига қадар ул ҳазратнинг лутфу эҳсон ариқлари ёқасида ўсиб, унди.

Хондамир

Алишербек тенги йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онга кўп ва хўб айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур, беши “Хамса” жавобида, яна бир “Мантиқ ут-тайр” вазнида “Лисот ут-тайр” отлиқ. Тўрт газалиёт девони тартиб қилибтур: “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабооб”, “Бадойи ул-васат”, “Фавойид ул-кибор” отлиқ. яхши рубоиёти ҳам бор. Яна баъзи мусаннафоти борким, бу мазкур бўлгонларга боқа пастроқ ва сустроқ воқи бўлубтур. Ул жумладин ишиларини мавлоно Абдурахмон Жомийга тақлид қилиб жам қилибтур. Ҳосияи калом, ҳар кимга ҳар иш учун ҳар хатким битибдур, йиғиштурубтур.

Бобур

“... Суханварлик мамлакатининг инсоф маснади, адолат байрогини баланд кўтарувчи ва зулм аломатларини йўқотувчи... Низомиддин Мир Алишернинг зоти безанди, билим арбобининг гулзори номуродлик тиканидан тозаланади, ақл ва фикр аҳилларининг тилак дарахтлари унинг (Алишернинг) инъом булути ёмғиридан яшинаб кетди, фазл эгаларининг иқбол ниҳоллари унинг ёрдам боғи шабадаси билан мева беришига киришиди...”

Мирхонд

Қардош халқлар вакиллари Алишер Навоий ҳақида

Турку Ажсаму Арабда айём,
Ҳар шоира термишиди бир ком,
Ўлмишиди Навоий сухандон,

Манзуру шоҳанишоҳи Хуросон.

Фузулий

Навоийдек даҳоларнинг ижоди конга ўхшайди. Уларни қанчалик чуқур талқин қилсанг, шунчалик кўп нодир ва бебаҳо хазинани кашф этасан.

Г.Севунц

*Фузулий, Шамси, Сайхали,
Навоий, Саидий, Фердаусий,
Хома-хафиз-бу аммаси
Мадат бер яшагири фаръяд.*

Абай

Алишернинг ўлмас мисраларида шоҳона қасрлар эмас, балки чўлга оби-ҳаёт келтириши тараннум қилингани бежиз эмас эди.

Э.Межелайтис

Энг аввало унинг ажойиб, кўп қирралилигини қайд қиламиз: доно сиёсий олим, мутафаккир, наққош, муסיқачи, тенгсиз сўз санъаткори. Маданиятнинг унга бегона бўлган соҳаси топилмайди. Фақат Гёте, Пушкин каби беқиёс катта даҳо эгаларигина шундай ҳар тарафлама истеъдод эгалари бўлганлар, бу кўп тарафламалик шуни кўрсатадики, инсонга оид ҳеч нарса унга бегона эмас эди.

Е.Э.Бертельс

*Чор китобдан – тура қочдим,
Навоийдан савод очдим,
Фузулийдан дурлар сочдим,
Дилбарларни излар эрдим.*

Бердақ

Алишер Навоий умуминсониятга тегишли. Чинакам шоирнинг ижоди – инсоний маданият иқлимида тоза ҳаводек гап. Навоийнинг ҳаққоний шеърояти юрак ва онгларимиз нафас олаётган заҳарланган ҳавони бугун ҳам тозартириб турибди.

Ў.Сулаймонов

Ўзбек адабиёти тарихининг равнақи олим ва шоир Алишер Навоий номи билан боғлиқ, унинг шеър ва достонлари ўзбек шеърятинигина эмас, балки бутун Ўрта Осиё адабиётини юксакликка кўтарган асарлардир. Буюк даҳо ижодининг бош мавзуи – Ватанга муҳаббат, меҳнатга садоқат, ахлоқий юксакликка интилиш, шахс эркинлиги ва ҳақиқий инсоний севгидир. "Ҳамса" ўзининг гоёларга бойлиги билан, образларнинг тўлақонлиги билан жаҳон адабиётининг дурдоналаридан ҳисобланади.

Г.Дудек

Алишер Навоий буюк шоир, у ҳақда бирор беъмани гап айтиб қўйишдан қўрқаман.

Навоийнинг минг йилларга татирли аҳамияти бор. Айни чоқда, у бизга ҳар куни керак. Унинг шеърятини машаққатларни енгиб ўтишининг ва муҳаббатнинг ёрқин тимсолидир. Мен ўзимнинг "Шояд" достонимни ўқиётганимда кўз ўнгимда Алишер Навоий яратган ошиқ-маъшуқ қадростлаб турган эдилар. Токи ошуфта қалбларнинг буюк муҳаббати барҳаёт экан, муҳаббат ҳам абадий барҳаётдир.

Андрей Вознесенский

**Чет эллик машҳур шахсларнинг Алишер Навоий
ҳақидаги фикрлари**

*Мири донишварини хирадпеша,
Доимаш дар авоқиб андеша.*

Шоире дар ниҳояти таҳқиқ,

*Мушикофе ба ҳояти тадқиқ.
Шеъри у бувад боштар турки,
Ки навадаш назир дар турки.*

*Дар бару баҳр исми у машхур,
Ҳамчу номаш камоли у машхур.*

*Камолиддин Биноий
форс мумтоз шоири*

*Алишер... ажойиб давлат арбоби, моҳир саркарда,
ўткир ва сермахсул адиб сифатида машхур бўлди. У вафот
этганидан бери орадан уч ярим аср ўтиб кетган бўлса ҳам,
аммо унинг асарлари ҳар бир ўзбек хонадонидида хазина каби
қадрланади.*

Герман Вамбери

*Навоий ўзининг сиёсий ва ижтимоий фаолияти
билан халққа ниҳоят даражада манзур бўлди. У ўз
шеърияти туйғайли халқ орасида чинакам зўр обрў қозонди.
Қобулдан тортиб Фарғона, Озарбайжон, Қримгача, тур-
кий халқлар яшаб турган ўлкаларнинг ҳаммасида унинг
шеърияти асрлардан бери яшаб келмоқда.*

*Альфред Курелла
немис ёзувчиси*

*Алишер Навоий жамики гўзалликларнинг буюк
ҳомийси ва ўз даврнинг энг улуг шоиридир.*

*Ян Рибка
чех олими*

*Адиблар, тарихчилар, муфассирлар (тафсир ёзувчи-
лар), ишиопардозлар, муъаммо ёзувчилар, хаттотлар,
мусаввирлар, котиблар, меъморлар, риёзийдонлар, сиёқ-
навислар, шатранжбозлар, муסיқашунослар, паҳлавонлар,
заргарлар, кулоллар, камонгарлар (камон ва ўқ-ёй ясовчи-
лар), тикувчилар ва ўша даврдаги бошқа турли-туман
билим, санъат ва ҳунар соҳиблари, мутахассислари Амир
Алишер ҳузурига тўпланишиб, ўша замон илми, талаби ва*

услугига биноан асарлар ёзишар эдилар. Амир Алишер ўшаларнинг ҳаммасига зўр ҳафсала, қунт ва эътибор билан маслаҳатлар берар, ҳусн-разбат кўрсатар ҳамда уларга ҳомийлик қилар эди.

Саид Муҳаммад Абдулло
покистонлик навоийшунос олим

XV асрнинг охирида темурийлар салтанатининг маданий ҳаётига жуда муҳим таъсирини ўтказган инсон Мир Алишер Навоий бўлиб, у янги сиёсий ва иқтисодий шароитни яратишда гоят катта ёрдам берди. Султон Ҳусайннинг “кўкалдош” (бирга ўсган) ва яқин дўсти Мир Алишер муҳтожларга хайру эҳсон қилувчиларнинг машҳури, шоир ва олим эди.

Томас Ленге, Глени Лоуври
АҚШ олимлари

Алишер Навоий XX – XXI аср олимлари ва ёзувчилари талқинида

Алишер Навоий донғи кетган буюк шоиргина эмас, ўз даврининг энг маълумотли кишиси, фан ва санъатнинг турли соҳаларини асосли эгаллаган олим ва мутафаккир, энг ҳушёр, энг тадбирли ва давлатнинг истиқболлини кўра билувчи кенг қарашли бир сиёсатчи ҳам эди.

Ойбек

Ўзбек халқининг улуг шоири ва мутафаккири Алишер Навоий жаҳон адабиётининг буюк санъаткорларидандир. Унинг номи ва мероси Гомер ва Данте, Рудакий ва Фирдавсий, Низомий ва Шота Руставели, Саъдий ва Жомий, Шекспир ва Бальзак, Пушкин ва Толстой, Рабиндранат Тагор ва Лу Син каби улкан сўз санъаткорларининг номи ва меросидек ўлмасдир.

Н.Маллаев

Ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ўлмас “Хамса” таркибидаги дostonлари, беқийёс “Ҳазойин ул-маоний”ни ташиқил этган шеърятти, ўн

тўрт номдаги насрий асарлари билан адабиётимизни бойитган, уни жаҳон адабиёти юксаклигига кўтарган, илгор башариятнинг маданият хазинасига улкан ҳисса қўшган ижодкордир.

С.Ғаниева

Адабий асарнинг қиймати, ўқишли ва ўқишли эмаслиги биринчи навбатда унинг қандай услуб билан ёзилишига боғлиқ. Алишер Навоий асарлари беиш асрдан буён халқимиз томонидан севиб ўқилиб келинаётган экан, демак, бу асарлар яхши услуб билан инсонга фараҳ бағишлайдиган шакл ва оҳангларда яратилган. Хоҳ унинг шеър ва достонлари бўлсин, хоҳ насрий асарлари, хоҳ илмий асарлари, хоҳ тарихий асарлари бўлсин, уларни ўқиган ҳар қандай китобхон улардан маънавий озуқа олади, роҳатланади.

А.Ҳайитметов

“Тухфат ул-афкор” қасидаси Алишер Навоийнинг шоҳ асарларидан бири бўлиб, унда абадул абад аҳамиятини йўқотмайдиган, ҳамшиша долзарб зоялар ифода этилган.

Н.Комилов

Навоий муқаддас китоблардаги оламишумул фикрлардан ўз бадиий асарларида баракали истифода этиб, ислом таълимотининг оммалашишига, равнақ топишига ўзининг беқиёс улушини қўшган. Ислом дини асослари Навоий асарларининг бадиий-фалсафий жиҳатдан баркамоллигини таъминлаган.

М.Мирзааҳмедова

Китобинг кирмаган ўзбек элида хонадон йўқдир,
Рубоий куйларинг ёд билмаган бир жсонажсон йўқдир,
Етук авлодларингдир илму донишли, гумон йўқдир,
Башар тарихини юз бор ўқи, бундай замон йўқдир,
Кўнгиларни ёритдик маърифатдан моҳитоб айлаб.

Ғафур Ғулом

Байтингга бир бора қовушган ҳар лаб,
Такрорлаб кетгуси маҳшаргача то,

*Қаратиб турибсан бу ён, не ажаб,
Миллиард мартабали жаҳонни ҳатто.*

А.Орипов

Алишер Навоий дostonлар ва насрий асарларини асосан умрининг сўнгги йигирма йилларида яратган бўлса, лирик шеърларини бутун онгли ҳаёти давомида ёзган. Демак, шоир ҳаётидаги руҳий кечинмалар ўша даврнинг мураккаб сиёсий, ижтимоий ҳаётидаги турли-туман воқеа, ҳодисаларга бўлган муносабати худди айнан лирик шеърларида ўз ифодасини топган.

Ф.Сулаймонова

Навоий асарлари марказида эзгулик, пок инсоний муҳаббат, инсон фазилатларини улуглаш, тинчликка, дўстликка даъват, виждон эркинлиги сингари зоялар туради.

Т.Мирзаев

“Улуғ шоир ва олим, буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятини биласизми?”

Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Агар бу зотни авлиё десак, у – авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак – мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак – шоирларнинг султонидир.

И.Каримов

Беллашувнинг мақсади китобхонларни ўзбек адабиёти ва адабий тили асосчиси Алишер Навоий ижоди билан таништириб, адиб ва маърифатпарвар, давлат арбоби, жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси яратган асарларни ўқиш, ижоди, таржимаи ҳоли, у қолдирган меросни ўрганиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига тарғиб этишдан иборат.

Беллашувни ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, талабалар, аспирантлар, турли

касб эгалари, кутубхоначилар киритилиши мумкин. Ҳар бир гуруҳ 8 ёки 10 нафар китобхонлардан ташкил топади.

Беллашув ташкилотчилари саволларни тузиб чиқади-лар. Сўнгра саволлар ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйи-лади. Берилаётган саволларга доир адабиётлар ва вақтли матбуотларда босилган манбалар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини муаллифнинг асарлар тўплами, мукаммал асарлар тўплами ҳамда алоҳида нашр-ларига қаратиш керак. Беллашув ўтказиладиган жойда Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи китоб кўргазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан наму-налар келтирамиз. Шунга қараб билимдонлар қайси асар-лардан ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Шоирнинг ҳақиқий исмини айтиб беринг. Унинг яна бошқа тахаллуси бўлганми?

(Шоирнинг ҳақиқий исми Низомиддин Мир Алишер, Фоний тахаллусида ҳам ижод этган).

2. У Саъдийнинг қайси асарларини ёшлик пайтида қайта-қайта ўқиган?

(Алишер Навоий Саъдийнинг “Гулистон”, “Бўстон” асарларини қайта-қайта ўқиган ва ёд олган).

3. Ёш Алишернинг истеъдодига қизиққан ва унга катта баҳо берган шоир ким?

(Кекса шоир Лутфий ёш Алишернинг истеъдодига қизиққан ва унга катта баҳо берган).

4. Агар мумкин бўлса эди, мен ўзимнинг форсий ва туркий тилларда айтган ўн-ўн икки минг шеъримни шу бир ғазалга алмашар эдим,-деган шоир ким ва шу ғазални айтиб беринг?

(Юқорида келтирилган фикрни Лутфий айтган. У газал қуйидагича:

*Оразин ёпқоч кўзимдан сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш...*)

5. Алишер Навоий неча ёшларидан шеър ёза бошлаган ва неча ёшида шоир сифатида кенг танилган?

(Алишер Навоий 10-12 ёшларидан шеър ёза бошлаган ва 15 ёшида шоир сифатида кенг танилган).

6. Шоир Самарқандда қайси мадрасада ўқиган?

(Шоир Самарқандда 1465 йилдан 1469 йилнинг баҳоригача яшади, Фазлуллоҳ Абу Лайс мадрасасида ўқиб, турли фанларга оид билимларини янада чуқурлаштирди).

7. Навоийнинг илк девони қайси?

(Алишер Навоийнинг илк девони “Бадойи ул-бидоя” (“Бадийлик ибтидоси”)дир).

8. Навоийнинг “Хамса”сига қандай асарлар киради?

(Алишер Навоийнинг “Хамса”сига қуйидаги асарлар киради: “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий”, “Ҳайрат ул-аброр”).

9. Навоий ижодида энг сермахсул давр қайси ва шу даврда қандай асарлар яратган?

(Шоир ижодида 1483 – 1485 йиллар энг сермахсул давр бўлган. Шу икки йил ичида у “Хамса”ни яратган).

10. Шоирнинг иккинчи девони қайси ва қачон ёзган?

(Алишер Навоий 1476 – 1483 йиллар орасида иккинчи девони “Наводир ун-ниҳон” (“Беҳад нодирликлар”)ни ёзган).

11. Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” девони неча қисмдан иборат?

(Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” девони тўрт қисмдан иборат 1. “Ғаройиб ус-сиғар”, (“Болалик ғаройиботлари”), 2. “Наводир уш-шабоб” (“Йигитлик нодиротлари”). 3. “Бадоеъ ул-васат” (“Ўрта ёш бадиалари”).

4. “Фавойид ул-кибор” (“Кексалик фойдалари”) деб номланган).

12. Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” девонига неча жанрдаги шеърлари киритилган?

(Муаллифнинг “Хазойин ул-маоний” девонига лирик турнинг 16 жанридаги шеърлари киритилган. Ҳар бирида 650 тадан 2600 ғазал, 4 мустазод, 10 мухаммас, 5 мусаддас, 1 мусамман, 4 таржиъбанд, 1 таркиббанд, 1 маснавий, 1 қасида, 1 соқийнома, 210 қитъа, 133 рубоий, 52 муаммо, 10 чистон, 13 туюк, 86 фард мавжуд).

13. Алишер Навоийнинг адабиётшуносликка доир асарлари қайсилар?

(Алишер Навоийнинг адабиётшуносликка доир асарлари учта. Жумладан “Мажолис ун-нафоис”, “Мезон ул-авзон”, (“Вазнлар ўлчови”), “Муфрадот” (“Рисолаи муаммо”) кабилардир).

14. “Мезон ул-авзон” қандай асар?

(“Мезон ул-авзон” ўтмиш адабиётшунослигининг муҳим ёдгорликларидан бири бўлиб, у шеър тузилишига, мумтоз поэзиянинг асосий вазн тури бўлган арузга бағишланган асардир).

15. Алишер Навоий қайси асарида Пайғамбарлик мўъжизалари ҳазрати Расуллулоҳ фаолиятининг қизгин даврини қаламга олган?

(Алишер Навоий ўзининг “Ҳайрат ул-аброр” асарининг тўртинчи наътда Пайғамбарлик мўъжизалари ҳазрати Расуллулоҳ фаолиятининг қизгин даврини қаламга олган).

16. Қуйида келтирилган парча Алишер Навоийнинг қайси асаридан олинган?

*Тонг элчиси - сабо келтирди ёрим хабарини,
Шарх айлади гул юзли сарвим хабарини,
Билмас энди кўнглим хорлик хабарини,
Чунки, элчи келтирди шохсуворим хабарини.*

Айрилиқ шомида висол тонгидан ноумидларга сахар элчиси бўлмиш майин шамол келтирган хабаридан ёқимлироқ хабарнинг бўлиши мумкин эмас ва иштиёқмандларга ёрнинг жамол куёши фироғида кўзи хираланганларга висол куёшининг балқиб чиқишидан бошқа ҳеч нарса ёруғлик бера олмас. Худога шукр, бурунги давлат муяссар бўлди, худо хоҳласа кейинги саодатга ҳам эришишни насиб этар.

(Юқорида келтирилган парча Алишер Навоийнинг “Муншаот” (мактублар) тўпламидан олинган).

17. Ушбу келтирилган рубоий Алишер Навоийнинг қайси асарида берилган?

*Покиза хос хонанг нурларга тўлсин,
Иффат чамани тахтинг маскани бўлсин,
Иқбол осмони оёзинг ҳоки бўлсин,
Ҳамиша Тангри таоло паноҳинг бўлсин.*

(Алишер Навоийнинг “Муншаот” (мактублар) тўпламидан олинган).

18. Қуйида келтирилган ушбу рубоий Алишер Навоийнинг қайси асарида берилган?

*Мақсад жамоли жилвагар бўлсин,
Нури билан олам мунаввар бўлсин,
Бундай диёр сизга тобе бўлсин,
Назарингизда бўлмоқлик бизга муяссар бўлсин.*

(Алишер Навоийнинг “Муншаот” (мактублар) тўпламида берилган).

19. Ушбу келтирилган рубоий Алишер Навоийнинг қайси асаридан олинган?

*Ёр фироқи жонимга кўп қасд этди,
Айрилиқ ўқи танимни нишон этди,*

*Фалак менинг ҳукмимга бўйсунса эди,
Ўша ойни менга ё мени унга етказса эди.*

(Юқорида келтирилган рубоий Алишер Навоийнинг “Муншаот” (мактублар) тўпламидан олинган).

20. Қуйида келтирилган ғазал шоирнинг қайси ғазалидан олинган?

*Ул қуёштин топти бу оқшом бизнинг кошона шамъ
Қилмасун бу уйни дудидин қаронғу ёна шамъ.
Банд аёғида лагандин бошида соч дудидин,
Ул пари ҳажринда мендек дур магар девона шамъ.*

(Алишер Навоийнинг “Ул қуёштин топти бу оқшом бизнинг кошона шамъ” ғазалидан олинган).

21. Ушбу келтирилган парча шоирнинг қайси ғазалидан олинган?

*Ой жамолин истамонким, кўрганми олам аро,
Бир дам ўлсам у жамоли оламародин йироқ,
Дегайсен шоми ажал умрум қуёшим ёширур,
Гар замона бўлсам ул зулфи сумансодин йироқ.*

(Алишер Навоийнинг “Сенга не ғам мен каби мажнуни шайдодин йироқ” ғазалидан олинган).

22. Мутафаккирнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари қандай асар?

(Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари тилшуносликка доир асар бўлибгина қолмай, балки шу билан бирга ўзбек мумтоз адабиётининг тараққий этиш жараёни ва унинг истикболини ёритувчи асар ҳамдир).

23. Алишер Навоий ҳаётининг охириги йилларида қайси асарини яратган?

(Алишер Навоий ҳаётининг охириги йилларида “Маҳбуб ул-қулуб” (“Кўнгилларнинг севгани”) насрий асарини ёзди. Асар 3 қисмдан иборат. Бу асар том маънода ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий ғояларга тўлиқ бўлиб, XV асрда мавжуд бўлган барча ижтимоий тоифалар моҳияти муфассал очиқ берилган, ижтимоий ва ахлоқий ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги, яхлитлиги ишонарли таъкидланган. Бу асар турли афоризм, мақол ва маталларга бой бўлиб, халқ орасида жуда кенг тарқалган).

Беллашув якунини ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар Бунда жавобларнинг тўғрилиги, батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, адабиётшунослар, навийшунослар, шоир ва ёзувчилар, тарихчилар, таржимонлар, журналистлар ва адабиёт билимдонлари таклиф этилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

Ғазалхонлик беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Танловнинг мақсади китобхонларни ғазал мулки султонининг севги-садоқат, маърифатпарварлик, халқпарварлик, тенглик ва адолат, дўстлик, меҳр-муҳаббат, вафо, гўзаллик мавзуларида ёзилган шеърларига қизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 5 кишидан иборат гуруҳ тузилади. Уларга асосан мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртининг филология факультети талабалари киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари қатнашувчиларга бериладиган шартларни тузиб чиқадилар, сўнгра ҳар бир иштирокчига рақам берилади. Беллашув қатнашчилари айтмоқчи бўлган ғазалнинг мавзусини агар имкон бўлса қачон ёзилганлигини билиши шарт.

Беллашув ўтказиладиган жойда китоб кўрғазмасини ташкил этиш лозим.

Қуйида беллашувда айтиладиган ғазаллардан намуналар келтирамиз.

1-рақамдаги қатнашувчи: “Сен қуёш янглиғ ёруб субҳи шабоб айёмида” ғазали.

*Сен қуёш янглиғ ёруб субҳи шабоб айёмида,
Бизга тундек тийралик қисмат қарилиғ шомида.*

*Тун саводинда магар хуффошлар парвозидур,
Музтариб жонлар қуши шабранг зулфунг домиди.*

*Анбарин хат ичра маъно дурларин кўргил ниҳон,
Қатралар ҳар ён қуёшдин зулфи анбар фониди.*

*Жилваси вақти менинг синган бошимда найласун.
Улки тушмиши тожварлар афсари ҳар гомиди.*

*Лаъли етган бодадин умри абад топсам не тонг,
Майга чун ҳайвон суйи мамзуж бўлмиши жомиди.*

*Демаким кўрсанг ани кўнглунга бер оромким,
Ихтиёрим йўқ анинг таҳрикию оромиди.
(Ғазал қисқартириб берилди).*

2-рақамдаги қатнашувчи: “Ишқ айлади юз оқилу
фарзонани расво” ғазали.

*Ишқ айлади юз оқилу фарзонани расво,
Не айб, агар қилса бу девонани расво.*

*Расволиғ ўтига ўзини ўртади, баским,
Шамъ этти шабистон аро парвонани расво.*

*Оламда не расволиҳ экин ушбуки ҳаргиз,
Ишқ айламагай мен турубон ёнани расво.*

*Бегонанараст ўлма, соғиндурдум ўзумни,
Ўз турганида айлама бегонани расво.*

*Зоҳид мени расво деди, лекин ўзи қилди,
Май тўхтамайин кўнглига майхонани расво.
Авсона дема соқию қил марҳамат айлаб
Бир май била бу ишқда афсонани расво.*

*Расво эса ишқ ичра Навоий ажаб эрмас,
Ишқ айлади юз оқилу фарзонани расво.*

3-рақамдаги қатнашувчи: “Тилагим сенинг хузуринг,
талабим сенинг жамолинг” ғазали.

*Тилагим сенинг хузуринг, талабим сенинг жамолинг,
Неча кун тириклигимдин гаразим сенинг висолинг.*

*Чидай олмасим фироқинг, ўпа олмасим аёқинг,
Кўра олмасим назаринг, топа олмасим мисолинг.*

*Манга даштдин фарах йўқ, менга богдин тараб йўқ,
Фараҳим сенинг ҳадисинг, тарабим сенинг хаёлинг.*

*Ажал ушбу дамки, куюнгдамен олса жонни бори
Бошим ўлса ҳоки пойинг, таним ўлса поймолинг.*

*Ўзида урубсен, эй меҳр, камоли хуснидин дам,
Манга равшан ўлди бу дамки, етибтурур заволинг.*

*Нега таркинг этмай, эй, чархки, шому ахтарингдин
Қорадурур юзинг ва лекин оқ эрур юзунгда холинг.*

*Майи ишқ чун Навоийни жаҳонда қилди расво,
Бу қадаҳни, дўстлар, эмди анинг қошидин олинг.*

4-рақамдаги қатнашувчи: “Гарчи элга жон бағишлар
хусни руҳафзолиғинг” ғазали.

*Гарчи элга жон бағишлар хусни руҳафзолиғинг,
Лек жонга офат эрмиш нозу бепарволиғинг.*

*Сарв титраб, гул қизариб нола айлар умидланиб
Кўргали бог ичра қаду оразу зеболиғинг.*

*Сабр лофин кўрдунг, эй кўнглум, вале кўргач ани,
Ҳеч суде қилмади ул илм ила донолигинг.*

*Эй Масиҳо, хуш даминг бор, лек кўрсанг лаълини.
Ул нафас маълум бўлгай эл аро гўёлигинг.*

*Эй Навоий, бир кўруб бўлдунг ани расвойи халқ
Тебрагил бот, йўқса юз мунча бўлур расволигинг.*
5-рақамдаги қатнашувчи: “Басе, дард бердингу даво
қилмадинг” ғазали.

*Басе, дард бердингу даво қилмадинг,
Ғаму ранжим англаб, шифо қилмадинг.*

*Басе, ваъда бердинг қилай деб вафо,
Ҳамин ваъда қилдинг, вафо қилмадинг.*

*Гуноҳсизки, ҳажр ўқи оттинг манга,
Хато эрди, аммо хато қилмадинг.*

*Висолингда кўнглумни тиндурмадинг,
Фирогингда то мубтало қилмадинг.*

*Кўнгул бирла жонни ҳам эттинг асир,
Бу шиддатни ёлгуз манго қилмадинг.*

*Яқин истамак даст агар бермади,
Йироқтин доғи марҳабо қилмадинг.*

*Наво бирла гарчи ҳеч кимсани
Навоий каби бенаво қилмадинг.*

Беллашув 3 боскичдан иборат бўлиб, ҳар бир боскичда баҳоланиб борилади.

Агар қатнашувчилар ҳамма шартлар бўйича барчаси тенг балл олсалар, ҳакамлар ҳайъати томонидан ихтиёрий

битта шарт қўйилиши мумкин. Бунда Навоий ғазалига ёзилган мухаммаслардан намуналар ўқиб берилиши сўралиши мумкин. Булардан намуна келтирамиз.

1-рақамдаги қатнашувчи: Собир Абдулланинг “Навоий ғазалига мухаммас”идан.

*Кўринг, Собирга сабр ила таҳаммулдин бериб таълим,
Висолидин этиб маҳруму, ҳижронин қилиб тақдим,
Шу йўл бирлан ана ул имтиҳон қилмоқчим, балким,
Навоий илтифот оғоз қилди, ёр билманким,
Фироқидин шикоятму қилай, васл илтимосинму?*

2-рақамдаги қатнашувчи: Абдулла Ориповнинг “Алишер Навоий ғазалига мухаммас”идан.

*Келибдур оғзима жоним, қилурман шиким зикр,
Нетайким, васл эрди орзу, вале дилдордин макр.
Нетсин, Абдулла ҳайрондир, аё пир, айланг фикр,
Навоий ҳажрга қолди, қилинг висолда шукр,
Жамоатеки севар ёрингиз била биласиз.*

3-рақамдаги қатнашувчи: Ғафур Ғуломнинг “Навоий ғазалига мухаммас”идан.

*Ватан осмонида нурга тўла офтобни юлдузни,
Буюк инқилобни ижод айлаган мингларча гулюзни,
Қоронғи шоми йўқ, доим мунаввар, бахтли кундузни,
Жамолингни кўришга бир умрлар юмайин кўзни
“Навоийдек ётар то субҳи маҳшар, тарки хоб айлаб”.*

4-рақамдаги қатнашувчи: Мунис Хоразмийнинг “Навоий ғазалига мухаммас”идан.

*Дилбарингим, ангадур жон аро ер,
Тиши таърифиди, Мунис, дур тер,
Лаби зикрида улугса жон бер,*

*Оғзи васфида Навоий сўз дер,
Мухтасар чунки эрур хайр калом.*

5-рақамдаги қатнашувчи: Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Навоий ғазалига мухаммас”идан

*На хуштур, Огаҳий, ишрат тунда ёр ила бўлмоқ,
Қўлидин нўш этиб ҳар дам тараб жомини афзунроқ,
Бўлуб сармаст аёқига йиқилмоқ ўйлаким туфроқ,*

*Ониким элткай васл уйқуси ишрат тун мундоқ,
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.*

Беллашув якунини ҳакамлар маълум балл кўйиш билан якунлайдилар. Бунда ғазалларнинг маъно ва мазмуни, айтувчининг ижрочилик маҳорати ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига навоийшунослар, адабиётшунослар, шоир ва ёзувчилар, адабиёт ўқитувчилари, журналистлар таклиф этилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида Навоий асарлари ва у ҳақидаги китоблар берилса нур устига нур бўларди. Бундан ташқари Навоий сиймоси акс эттирилган тақвим, гуллар ва бошқа эсдаликлар топшириш мумкин.

“Навоий ижодида инсонпарварлик”

Давра суҳбати

1. Навоийнинг барча-барчани инсонга ғамхўр бўлишига чақирган, инсонпарварликни куйлаган байтини таҳлил қилиб беринг?
2. Навоий инсон бахти, халқлар дўстлиги ва осойишталигининг улуғ куйчиси дейилишига сабаб нима?
3. Навоий ижодида ота-онага ҳурматнинг қаламга олиниши бўйича сизнинг фикрингиз?
4. Комил, баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказишда “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг ўрни?
5. “Насойим ул-муҳаббат” асарида комил инсонга хос хусусиятлар нималардан иборат?
6. Навоий бадий ижоддан ташқари ўз амалий фаолиятида ҳам инсопарварликка содиқ қолган мутафаккирдир, дейилган. Бунга сизнинг фикрингиз?
7. Навоий саховат ва мурувватда беназир инсон бўлган. Бу тўғрида сизнинг фикрингиз?

8. “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида инсонпарварлик ғояларининг қаламга олинishi юзасидан сизнинг фикрингиз?

“Навоий жаҳон олимлари таҳлилида”

Мунозара кечаси

1. Венецияда италиян тилида Христофор Табризийнинг “Сарандип шоҳининг уч ўғли ва уларнинг ажойиб саргузаштлари” номли асарининг иккинчи қисми Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони асосида ёзилган. Бунга нима сабаб?

2. Француз шарқшуноси Катрмернинг “Шарқ туркий адабиёти хрестоматияси” номли китобида Навоийнинг “Муҳокамат ул луғатайн” ва “Тарихи мулуки ажам” асарларининг матнини келтириб ўтишига сабаб нима?

3. Инглиз шарқшуноси Чарльз Ръё “Туркий қўлёзмалар каталоги”ни нашр эттирган. Ушбу каталогда Навоий асарларининг қайсилари келтирилган?

4. Покистонлик Карочи университетининг профессори, доктор Муҳаммад Собирнинг “Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” маснавийси ҳақида тадқиқотлар” деб номланган иш бўйича докторлик диссертациясини химоя қилишининг аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

“Етти иқлимда машҳур” номли китоб-суратли кўрғазмани ташкил этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган китоб кўрғазмаси кутубхонада ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради.

Кўрғазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Мумтоз адабиётимиз асосчиси

Алишер Навоий халқимизнинг онг ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даври ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёндаси, миллатимизнинг гурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир.

И.Каримов

Бу бўлимда:

Алишер Навоий таваллудини нишонлаш муносабати билан чиқарилган қарор ва фармонлар, асарларини нашр этиш тўғрисидаги ва унинг номидаги Давлат мукофотида доир фармонлар, илмий анжуманлар ҳақидаги адабиётларни намоёниш этиш мумкин.

2. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятининг саҳифалари

*Беш асрким, назмий саройни
Титратади занжирбанд бир шер
Темур тиги етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер
А. Орипов*

Бу бўлимда:

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги нашрларни намоёниш қилиш мақсадга мувофиқ.

3. Навоий – лирик шоир

Алишер Навоий Шарқ адабиёти тарихида энг бой лирик мерос яратган шоирлардан биридир. Бу лирик мерос ичида газаллар доим биринчи ўринда турган.

Бу бўлимда:

Алишер Навоий яратган лирик тўпламлари, ғазаллар, мухаммаслар, мусаддаслар, рубоийлар, қитъа, туюқ, қасидалари ва дostonлари ҳамда шу нашрлар ҳақидаги асарларни ҳам намоиш этиш мақсадга мувофиқ.

4. Алишер Навоий – адабиётшунос

*Алишер Навоий улуғ сўз санъатида
бўлиши билан бирга, ўз даврининг
атоқли адабиётшуноси ва эстетик
тафаккур тараққиётининг йирик
намояндаларидан бири ҳамдир.*

Н.Маллаев

Бу бўлимда:

Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Мезон ул-авзон”, “Муфрадот” асарларини ва шу асарлар ҳақида чоп этилган манбаларни ҳам намоиш этиш мумкин.

5. Алишер Навоий асарлари чет элларда

*Сўзнинг қудратини жамлаб қаламга,
Ўзбеклар донгини ёйди оламга.
Оврўпо, Амриқо, Руму Фаранглар
Туркий сўз сеҳридан қолдилар танглар-
Юртларни забт этган ҳазрат Навоий,
Қалбларга нақш битган ҳазрат Навоий.*

М.Қурбонбоева

Бу бўлимда:

Алишер Навоий асарларининг қардош халқлар ва хорижий тилларга таржима қилинган асарлари ва вақтли матбуотларда берилган таржимасига доир бўлган манбаларни намоиш этиш мақсадга мувофиқдир.

6. Навоий образи бадий адабиётда

*Гар шеър булоқ бўлса тиниқлиги – У,
Агар шеър тонг бўлса, буюклиги – У,
Дунё боқий турса, Ул зот ҳам мангу,*

*Шоирлар султони, суюклиги – У,
Фахрим ҳам гурурим ҳазрат Навоий.
М.Қурбонбоева*

Бу бўлимда:

Шоир ва ёзувчиларнинг Алишер Навоийга бағишланган шеърлари, достонлари, қиссалари, драмалари, романлари ва вақтли матбуотларда чоп этилган нашрлари намойиш этилади.

Кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Илмий-амалий конференция

1. “Навоийнинг ижод олами” .
2. “Алишер Навоий буюк давлат арбоби”.
3. “Алишер Навоий – адабиётшунос” каби мавзуларда;
“Улуғ мутафаккир”, “Давлат арбоби”, “Маърифатпарвар шоир” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Китобхонлар конференцияси

1. “Навоийнинг номи барҳаёт”.
2. “Мажолис ун-нафоис” адабий-танқидий асар.
3. “Маҳбуб ул-қулуб” XV аср ўзбек бадиий насрининг муҳим ёдгорлиги” каби мавзуларда;
“Шоир – дунё эъзозида”, “Буюк ва забардаст шоир”, “Халқпарвар давлат арбоби” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мавзули кеча

1. “Алишер Навоий асарларида хотин-қизлар образининг акс эттирилиши”.
2. “Алишер Навоий асарларида муҳаббатнинг улуғланиши”.
3. “Навоий ва китобат санъати”.

4. “Мутафаккир шоир асарларида илғор умуминсоний ғояларнинг илгари сурилиши” каби мавзуларда;
“Алишер Навоий – ўзбек адабиётининг соҳибқирони”, “Миллатнинг фахри”, “Ҳаётбахш чашма” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Адабий-бадий мусиқали кеча

1. “Навоий шеърляти – абадият машъали”.
2. “Навоий наволари”.
3. “Ғазал мулкининг султони” каби мавзуларда;
“Навоий – лирик шоир”, “Улуғ ўзбек шоири”, “Халқпарвар шоир”, “Буюк сиймо” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мўъжизалар майдони

“Ўйла. Изла. Топ” рукни остида

1. “Алишер Навоий ҳақида қардош ҳамда чет эл адиблари ва адабиётшунослари”.
2. “Алишер Навоий ҳақида замондошларининг хотиралари”.
3. “Алишер Навоий ҳақида ҳозирги давр навоийшуносларнинг фикрлари”.
4. “Мустақиллик йилларида Навоий ҳақидаги манбалар” каби мавзуларда;
”Мангу тирик сатрлар”, “Маърифат ҳомийси”, “Инсонпарвар шоир”, “Шеърлятимиз кўёши” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мунозара кечаси

1. “Навоий асарларида тинчлик, дўстлик ва меҳнат ғоясининг қаламга олинаши”.
2. “Навоий асарларида этнографик маълумотлар”.
3. “Шоир ижодида табиат мадҳи”.
4. “Навоий ижодида адолат ғояси”.

5. “Алишер Навоий ижодида ҳажвий тасвирлар” каби мавзуларда;

“Илм-маърифат ҳомийси”, “Шеърятимиз қуёши”, “Асрлар оша орамизда”, “Улуғ сўз санъаткори” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Савол-жавоб кечаси

1. “Навоийнинг ахлоқий қарашларига доир манбаларни биласизми?”

2. “Алишер Навоий ижодида инсон ва ахлоқ масаласининг қаламга олинishi”

3. ”Навоий образи яратилган асарларни биласизми?”.

4. “Алишер Навоийни биласизми?” каби мавзуларда; ”Буюк сўз соҳиби”, “Навоий адолат ва ҳақиқат куйчиси”, “Ватанпарвар ва инсонпарвар шоир”, “Ўлмас халқ даҳоси” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. “Навоий ва Ҳусайн Бойқаро”.

2. “Навоий ҳикматларини биласизми?”.

3. “Навоийнинг педагогик қарашларини биласизми?”

4. “Алишер Навоий яратган асарларни биласизми?”

каби мавзуларда;

“Алишер Навоий – илм-фан ҳомийси”, “Буюк аллома”, “Халқнинг улуғ фарзанди”, “Улуғ зултинсоний шоир” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. “Алишер Навоий асарларида халқпарварлик, маърифатпарварлик ғояларининг улуғланиши”.

2. “Алишер Навоий давлат арбоби”.

3. ”Навоий асарларида севги-муҳаббатнинг қаламга олинishi”.

4. “Навоий ва тиббиёт”.
5. “Алишер Навоий асарларида комил инсонга хос хусусиятларнинг акс эттирилиши”.
6. “Навоий асарларида меҳр-мурувватнинг талқин қилиниши” каби мавзуларда;
 “Сўнмас машъал”, “Мангу навқирон сиймо”, “Навоий дўстлик куйчиси”, “Ватанпарвар шоир” каби мавзуларда китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Учрашув кечаси

Алишер Навоийнинг асарларини нашрга тайёрлаганлар ва у ҳақида бадиий асар, илмий-монографик асарлар, илмий-тадқиқот, илмий мақолалар ёзган, кино ва видеофильмларда, театрларда Навоий образини яратган ва яратаётган санъаткорлар, Навоий ҳайкали ва портрети ҳамда альбомларининг муаллифлари:

1. Азиз Қаюмов
2. Суйима Ғаниева
3. Барот Бойқобилов
4. Иброҳим Ҳаққулов
5. Ёқуб Аҳмедов ва бошқалар билан
 “Навоий биз билан”, “Навоий ва мустақиллик”, “Бебаҳо мерос соҳиби”, “Эзгулик мураббийси” каби мавзуларда китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Хотира ва қадрлаш соати

1. “Асарлари барҳаёт шоир”.
2. “Асарлар оша қадрланган аллома”.
3. “Мангуликка дахлдор адиб”.
4. “Халқимиз ўз буюк шоирини ардоқлайди” каби мавзуларда;
 “Мангу барҳаёт”, “Мангу навқирон сиймо”, “Ҳамон барҳаёт”, “Эзгулик мураббийси” каби мавзуларда китоб кўрғазмаси ва кўрғазмадаги адабиётлар обзори.

Оғзаки журнал

1. “Навоий улуғ мутафаккир ва мураббий”.
2. “Навоийнинг ҳаёти ва ижод йўли”.
3. “Улуғ сўз санъаткори”.
4. “Навоий даҳоси – илҳом чашмаси” каби

мавзуларда;

“Алишер Навоий 565 ёшда” рукни остида карто-тека тузиш, алоҳида нашрлари, вақтли матбуотларда чоп этилган манбалари, у ҳақидаги материаллар билан, шунингдек, маҳаллий вақтли матбуотда чоп этилган манбалар билан картотекани бойитиб бориш.

“Алишер Навоий 565 ёшда” рукни остида мавзули папкалар ва расмларининг альбомларини ташкил қилиш.

Қатнашувчилар: жойлардаги “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказлари, “Олтин мерос”, “Маҳалла”, “Нуроний”, “Соғлом авлод учун”, “Истеъдод” жамғармаларининг вакиллари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти институти ва адабиёт музейи ходимлари, нашриёт ходимлари, ёзувчилар уюшмаси, хотин-қизлар кўмиталарининг вакиллари, навоийшунослар, адабиётшунослар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, тарихчилар, файласуфлар, диншунослар, тиббиёт ходимлари, таржимонлар, педагоглар, журналистлар, тарих ва адабиёт ўқитувчилари, рассомлар, ҳайкалтарошлар, меъморлар ҳамда кенг китобхонлар оммасини жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ўлмас ижодий меросини тарғиб қилиш мақсадида: Ўзбекистон ФА 1996 – 2000 йиллар мобайнида Алишер Навоийнинг 20 томлик асарлар тўпламининг тўлиқ нашрини амалга

оширсин: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши. 1996 й. 8 феврал // Халқ сўзи.-1996.-9 февр.

Навоий руҳи мададкор бўлғай: ЎзР.Президенти И.А.Каримовнинг Алишер Навоий ҳайкали ва миллий боғининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи. 1991 й. 28 сент //Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида: Тарих, маърифат, маънавият. - Т. : Ўзбекистон, 1998.-Б.35-38.

Улуғлари эъзозланган юрт заволи кўрмагай: Навоий шаҳрида Алишер Навоий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи 2001й. 24 авг. //Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. - Т.-10. - Т.:Ўзбекистон, 2001.-Б.18-23.

* * *

Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами: 20 томлик / ЎзФА А.С.Пушкин ном.Тил ва адабиёт ин-ти, Ҳ.С.Сулаймонов ном. кўлөзмалар ин-ти; Таҳрир ҳайъати: Комил Яшин ва бошқ. - Т.: Фан, 1987.- 2003.

Т.1. Бадойиъ ул—бидоя /Текстни тузувчи Ш.Шарипов; Мас.муҳ. А.Қаюмов.-1987.-724 б.

Т.2. Наводир ун-ниҳоя /Текстни тузувчи М.Раҳматуллаева; Мас.муҳ. А.Қаюмов.-1987.-620 б.

Т.3. Ҳазойин ул-маоний: Фаройиб ус-сиғар /Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрл.: Ҳамид Сулаймон; Мас.муҳ.П.Шамсиев.-1988.-610 б.

Т.4. Ҳазойин ул-маоний: Наводир уш-шабоб /Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрл.: Ҳамид Сулаймон; Мас.муҳ. С.Муталлибов.-1989.-560 б.

Т.5. Ҳазойин ул-маоний: Бадоеъ ул-васат /Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрл.: Мазкур томни қайта нашрга тайёрл.: Ф.Сулаймонова; Мас.муҳ. С. Муталлибов.-1990-544 б.

Т.6. Хазойин ул-маоний: Фавойид ул-кибор /Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрл.: Ҳамид Сулаймон: Мас.муҳ. С.Муталлибов.-1990-568 б.

Т.7. Ҳамса: Ҳайрат ул-аброр /П.Шамсиев илмий-танқидий текст асосида дostonни изоҳлар билан нашрга тайёрл. : А.Ҳайитметов, И.Ҳаққулов; Мас.муҳ. Е.Исҳоқов.-1991.-392 б.

Т.8. Ҳамса: Фарҳод ва Ширин /П.Шамсиев илмий-танқидий матни асосида дostonни изоҳлар билан нашрга тайёрл. С.Ғаниева; Мас.муҳ. С.Эркинов.-1991.-544 б.

Т.9. Ҳамса: Лайли ва Мажнун /Мас.муҳ. С.Ғаниева.-1992-356 б .

Т.10. Ҳамса: Сабаъи сайёр /П.Шамсиев илмий-танқидий матни асосида дostonни изоҳлар билан нашрга тайёрл. М.Мирзааҳмедова; Мас.муҳ. А.Ҳайитметов.-1992.-448 б.

Т.11. Ҳамса: Садди Искандарий /Нашрга тайёрл.: М.Ҳамидова, Т.Аҳмедов; Мас.муҳ. С.Эркинов.-1993.-640 б.

Т.12. Лисон ут-тайр /Изоҳлар билан нашрга тайёрл. Ш.Эшонхўжаев; Мас.муҳ. А.Қаюмов.-1996.-326 б.

Т.13. Мажолис ун-нафоис /Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрл. С.Ғаниев; Мас.муҳ. А.Ҳайитметов.-1997.-282 б.

Т.14. Маҳбуб ул-кулуб: Муншаот: Вақфия /Матнни изоҳлар билан нашрга тайёрл. С.Ғаниева; Мас.муҳ. М.Мирзааҳмедова.-1998.-302 б.- (Алишер Навоий ном. Тил ва адабиёт ин-ти).

Т.15. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин: Ҳалоти Саййид Ҳасан Ардашер: Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад: Назм ул-жавоҳир /П.Шамсиев матни асосида таржима ва изоҳларни тўлдириб, нашрга тайёрловчи С.Ғаниева; Мас.муҳ. М.Мирзааҳмедова.-1999.-336 б.

Т.16. Муҳокамат ул-луғатайн: Мезон ул-авзон: Тарихи анбиё ва ҳукамо: Тарихи мулуки Ажам: Арбаъин:

Сирож ул-муслимин Муножот: Рисолаи типр андахтош /Матнни П.Шамсиев нашри асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрл. С.Ғаниева; Мас.мух. М.Мирзааҳмедова.-2000.-336 б.

Т.17. Насойим ул-муҳаббат /Нашрга тайёрл.: С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова; Мас.мух. С.Рафиддинов.-2001.-518 б.- (А.Навоий ном. Тил ва адабиёт ин-ти, Алишер Навоий ном Адабиёт музейи).

Т.18. Девони Фоний /Нашрга тайёрл.: Ҳамид Сулаймон, Муродий, С.Рафиддинов; Мас.мух. С.Рафиддинов.-2002.-550 б.

Т.19. Девони Фоний (давоми) /Нашрга тайёрл.: Ҳамид Сулаймон, С.Рафиддинов Муродий; Мас.мух. С.Рафиддинов.-2002.-599 б.

Т.20. Девони Фоний (давоми): Қасидалар: Муфрадот: Иловалар /Нашрга тайёрл. ва мас.мух. С.Рафиддинов.-2003.-567 б.

Навоий Алишер. Арбаъин ҳадис. Қирқ ҳадис: Шарҳи /Сўз боши муаллифлар ва шарҳловчилар: Қ.Аҳад, О.Маҳмуд; Хаттот П.Самад; Мас.мух. С.Рафиддинов.-Т.: Ёзувчи, 1991.-30 б.

Навоий Алишер. Арбаъийн /Нашрга тайёрл.: С.Ҳасан; Шарҳловчи А.Рустам; Таҳрир ҳайъати А.Самад (мас.мух.) ва бошқ.-Т.: Мерос, 1991.-32 б.- (Навоий кутубхонаси).

Навоий Алишер. Афоризмлар.-Т., 1991.-130 б.

Навоий Алишер. Бақо гули: Ғазаллар /Тўпловчи ва сўз боши маулифи Муҳаммад Али.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.-160 б.

Навоий Алишер. Вақфийа.-Т.: Фан, 1991.-108 б.

Навоий Алишер. “Лайли ва Мажнун” достонидан /Таҳрир ҳайъати А.П.Қаюмов (бош мух.); Мас.мух. А.Қаюмов.-Т.: Ўзбекистон, 1991.-123 б.- (Шарқ классиклари шеърятти меросидан).

Навоий Алишер. Лисон ут-тайр: (Насрий баёни билан) /Тахрир ҳайъти А.Қаюмов ва бошқ.; Тузувчи М.Раҳмонов; Сўз боши муаллифи, изоҳ ва луғат тузувчиси В.Раҳмонов.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.-464 б.

Навоий Алишер. Сабъаи сайёр: (Насрий баёни билан) /Тахрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ.; Мас.мух. Б.Ҳасанов.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.-544 б. - (Ўзбек адабиёти бўстони).

Навоий Алишер Садди Искандарий: (Насрий баёни билан) /Тахрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқ.; Мас.мух. К.Тоҳиров.-Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.-832 б.

Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин: (Насрий баёни билан).-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.-248 б.

Навоий Алишер. Ғазаллар. Шарҳлар /Мух.: Асад Дилмурод, Раъно Ақром қизи.-Т.: Камалак, 1991.-176 б .

Навоий Алишер. Қаро кўзим: Ғазаллар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.-768 б.

Навоий Алишер. Бадойи ул-васат.-Т.: Фан, 1992.-777 б.

Навоий Алишер. Лирика /Тузувчи Н.Маллаев.-3-нашри.-Т.: Ўқитувчи, 1992.-112 б.

Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб.-Т.: Ёзувчи, 1992.-181 б.

Навоий Алишер. Сирожу-л-муслимийн /Тахрир ҳайъати Алибек Рустам ва бошқ., Нашрга тайёрл. Н.Ҳасан, А.Рустам.-Т.: Нур, 1993.-110 б.- (Навоий кутубхонаси).

Навоий Алишер. Айёми висол ўлди яна: Янги топилган ғазаллар /Нашрга тайёрл.: Ф.Сулаймонова, А.Рустамов.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.-71 б.

Навоий Алишер. Уммондан дурдар: Ғазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар /Тахрир ҳайъати Ҳ.Бобоев, К.Назаров; А.Жўрахонов ва бошқ.; Мас.мух.: Ҳ.Бобоев, К.Назаров: Тузувчи ва тарж. И.Парда.-Т. : Шарқ, 2000.-143 б.

Навойй Алишер. Муншаот: (мактублар) /Изоҳли баёни муаллифи Ю.Турсунов.-Т.: Маънавият, 2001.-152 б.

* * *

Навойй Алишер. Ул ой ўтлуғ юзин очса...: [Шеър] //Халқ сўзи.-1994.-9 февр.

Навойй Алишер. “Анинг абнойи жинси...”: [Улуғбек ҳақида шеър] //Тошкент оқшоми.-1994.-17 окт.

Навойй Алишер. Чун илик бермаки ўпсам, ул ситамкор илчини; Фурқатингдин заъфарон узра тўқарман лолалар... : [Ғазаллар] //Ватан.-1995.-4-11 февр.

Навойй Алишер. Булбули руҳим қилур боғи висолин орзу...: [Баҳор ҳақида ғазал] //Мулоқот.-1995.-№3-4.-Б.16.

Навойй Алишер. Рисолом тийрондохтан //Тафаккур.-1995.-№3-4.-Б.122-123.

Навойй Алишер. Ғазаллар //Тошкент оқшоми.-1996.-7 февр.

Навойй Алишер. Ёғлиғин, эйким тикарсен, игна мужгонимни қил...: [Ғазал] //Шарқ юлдузи.-1996.-№2.-журналнинг муқовасида.

Навойй Алишер. Насойим ул муҳаббат: Муҳаббат шаббодалари //Мулоқот.-1996.-№2-Б.44-47.

Навойй Алишер. Беш ганжаниким, кушод айладим...: [Ғазал] //Тафаккур.-№1.-1997.-Б.38-39.

Навойй Алишер. Тонгдек табассум айларам: [Ғазал] //Ўзбекистон овози.-1997.-8 февр.

Навойй Алишер. Ғазаллар //Тошкент оқшоми.—1998.-9 февр.

Навойй Алишер. Бош устина: [Ғазал] //Соҳибқирон юлдузи.-1998.-19 май.

Навойй Алишер. Ғазал //Маърифат.-1999.-6 февр.

Навойй Алишер. Ғазаллар //Тошкент оқшоми.-1999.-8 февр.

Навоий Алишер. Баҳор бўлдию майли гул қилмади кўнглум; Очилди ғунчаву лекин очилмади кўнглум //Тошкент оқшоми.-2000.-2 февр.

Навоий Алишер. Кўргали хуснингни зору мубтало бўлдим санга: [Ғазал] //Тошкент оқшоми.-2000.-7 февр.

Навоий Алишер. Қаро кўзим келумардумлиғ эмди фан қилғил //Тошкент оқшоми.-2000.-9 февр.

Навоий Алишер. Абу Мансур Мотуридий //Имом ал Бухорий сабоқлари.-2000.- N2.-Б.97.

Навоий Алишер. “Махбуб ул-қулуб” асаридан парчалар //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2000.-N2-3.-Б.248-251.

Навоий Алишер. Кимда тор: [Ғазал]; Қитъалар //Қишлоқ ҳаёти.-2001.-9 февр.

Навоий Алишер. Навоий ҳамдлари (“Наводир ушшабоб”дан); Ҳикматлар; Ғазаллар ва цитаталар //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2001.-N1.-Б.53-59.

Навоий Алишер. Шоҳ байтлар: (Ичкиликлар) //Ўзбекистон матбуоти.-2001.-N1.-Б.28.

Навоий Алишер. Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур...: [Шеър]; Юз йил киши умр тилар, бил-...: [Инжинлар] //Тафаккур.-2001.-N1-2.-Б.88-89.

Навоий Алишер. Куйида итлар мени гоҳ тирмабон, гоҳ тишлабон: [Ғазаллар] // Соғлом авлод учун.-2001.-N2.-Б.19.

Навоий Алишер. Сабъаи сайёр: (парча): [Мангуликка дахлдор] //Жаҳон адабиёти.-2001.- N2.-Б.3-5.

Навоий Алишер. Тафаккур чироғи: [Ҳикматли байтлар йиғиндиси] //Қонун ҳимоясида.-2001.-N2.-Б.31.

Навоий Алишер. Ҳеч гулшанинг сенингдек хушнаво булбули йўқ...: [Ғазаллар] //Қишлоқ ҳаёти.-2002.-8 февр.

Навоий Алишер. Ғазаллар: [Навоийхонлик] //Соғлом авлод учун.-2002.-№2.-Б.24-25.

Навоий Алишер. Ғазаллар //Жаҳон адабиёти.-2003.-№2.-Б.3-5.

Навоий Алишер. Бир марта ул жононани: [Ғазал] /Форсидан Юсуф Вализода Дарбандий тарж. //Маърифат.-2004.-7 февр.

Навоий Алишер. Ғазал: [”Девони Фонийдан”] /Таржимон Б.Бойқобилов //Ўзбекистон овози.-2004.-7 февр.

Навоий Алишер. Ғазаллар. Ҳикматлар //Ватанпарвар.-2004.-7 февр.

Навоий Алишер. Ғазаллар //Тошкент оқшоми.-2004.-9 февр.

Навоий Алишер. Ғазаллар //Ёшлик.-2004.-№1.-Б.25.

Фоний. ёр қошида бўлма беадаб: [Рубойлар] /Форс тилидан Э.Очилов тарж. //Жаҳон адабиёти.-2004.-№2.-Б.3-6.

Навоий Алишер. Ғазал; Қитъалар //Қишлоқ ҳақиқати.-2005.-8 февр.

Навоий Алишер. Ғазаллар //Ватанпарвар.-2005.-8 февр.

Навоий Алишер. Агар оқил эрсанг: [Ғазал] //Ишонч.-2005.-9 февр.

Навоий Алишер. Ғазал //Маҳалла.-2005.-9 февр.

Навоий Алишер. Ғазаллар: [Навоийхонлик] //Жаҳон адабиёти.-2005.-№2.-Б.80-81.

* * *

Алишер Навоий (1441-1501) //Ўзбекистон педагогикаси антологияси: Икки жилдлик. Ж.1. /Тузувчи муаллифлар: К.Ҳошимов, С.Очил; Таҳрир хайъати: М.Хайруллаев ва бошқ.-Т.: Ўқитувчи, 1995.-Б.253-264.

Алишер Навоий (1441 – 1501) //Буюк сиймолар, алломалар: (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар). К.2. /Нашрга тайёрл. М.М.Хайруллаев.-Т.: А.Қодирий ном. халқ мероси нашриёти, 1996.-Б. 71-76

Алишер Навоий (1441–1501) //Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар) /Мас.муҳ. М.М.Хайруллаев.-Тўлд. қайта нашр.-Т.: Абдулла Қодирий ном.халқ мероси нашриёти, 1999.-Б. 225-232

Алишер Навоий (1441-1501) //Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар) /Тўпловчи ва мас.муҳ. М.М.Хайруллаев.-Тўлд. қайта нашр.-Т.: Абдулла Қодирий ном.халқ мероси нашриёти,-2001.-Б.225-232.

Навоий Низомиддин Мир Алишер (1441 – 1501) //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.: А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 1998.-Б.166-170.

Навоий Низомиддин Мир Алишер (1441 – 1501) //Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.: А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 2000.-Б.166-170.

Алишер Навоий қалбларда.-Т.: Фан, 1991.-130 б.

Алишер Навоий сабоғи /Нашрга тайёрл. А.Жумашев; Мас.муҳ. А.Чориев.-Қарши, 1992.-144 б.

Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари: (Мақолалар тўплами) /Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқ.; Мас.муҳ. С.Эркинов.-Т.: Фан, 1993.-208 б.

Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари.-Т.:Фан, 2000.-208 б.

Алишер Навоий асарларига ишланган миниатюралар = Миниатюры к произведениям Алишера Навои: Альбом /Тузувчи ва сўз боши муал. Ф.Сулаймонова; Макет ва бадий безак К. Бошаровники.-Т.: Шарқ, 2001.-160 б.

Навоий: Тўплам /Тузувчи С.Ғаниева; Мас.муҳ.: С.Ғаниева, М.Маҳмудов.

1.-1991.-16 б.

2.-1991.-16 б.

Навоийнинг асарлари учун қисқача луғат / Тузувчи /Б.Ҳасанов.-Т.: Фан, 1993.-374 б.

Навоийнинг ижод олами (Мақолалар тўплами) /Масъул муҳаррир: Иброҳим Ҳаққул; Нашрга тайёрловчилар: Н.Рамозонов, Э.Очилов.-Т.: Фан, 2001.-198 б.

Навоийга армуғон /Тузувчилар: Б.Қодиров, Г.Тўхлиев, Б.Амирбоев ва бошқ.- Т.: Абдулла Қодирий ном. халқ мероси нашриёти, 2003.-147 б.

* * *

Абдуазизов А. Алишер Навоий меросининг хорижий элларда ўрганилиши.-Т., 1992.-22 б.

Абдулхайров М. Навоий мероси – сўз маҳзани /Ўзб.Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мирзо Улуғбек ном. Ўзбекистон Миллий ун-ти.-Т., 2005.-44 б.

Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира.-Т.: Шарқ, 1992.-182 б.

Азимбоева М.А. Навоий ва ҳозирги замон.-Т., 1991.-18 б.

Ақромов З.М. Навоий ва ҳаёт.-Т., 1991.-24 б.

Бобоев Ҳ. Алишер Навоий буюк давлат арбоби.-Т.: Шарқ, 1993.-164 б.

Бойқобилов Б. Шуқухли қарвон: Кун ва тун: Шеърый роман ва қисса.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.-341 б.

Воҳидов Р. Навоийнинг номи барҳаёт: (Навоий-шунослик тарихидан лавҳалар) /Мас.мух. О.С.Сафаров.-Т.: Фан, 1991.-79 б.

Воҳидов Р. Навоийнинг икки дурдонаси: (“Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” ва “Мажолис ун-нафоис” ҳақида қайдлар) /Мас.мух. Б.Н.Валихўжаев.-Т.: Фан, 1992.-114 б.

Жумахўжа Нусратулло. Сатрлар силсиласидаги сеҳр: [Алишер Навоий ғазаллари таҳлили асосида].-Т.: Ўқитувчи,1996.-222 б.

Маллаев Н.Сўз санъатининг гултожи.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.-152 б.

Мухаммад Носир. Анқони маҳрам қилдингиз... Навоийнома /Мас.мух. Султонмурод Олим.-Т.: Маънавият, 2004.-72 б.

Муҳиддинов М. Икки олам ёғдуси.- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.-168 б.

Ойбек. Бола Алишер: Қисса /Нашрга тайёрл. ва сўнги сўз муаллифи Н.Каримов.-Т.: Чўлпон, 1995.-80 б.

Ойбек. Навоий: Роман /Нашрга тайёрл. ва мас.мух. Н.Каримов; Таҳрир ҳайъати Н.Шоғуломов (раис) ва бошқ.-Т.: Шарқ, 1995.-447 б.- (XX аср ўзбек романи).

Ойбек. Навоий гулшани.-Т.: Фан, 1997.-142 б.

Oybek. Navoiy: Roman /Tahrir hay'ati B.Alimov va boshq.-Т.: Sharq, 2004. – 496 b. - (Asr oshgan asarlar).

Олим Султонмурод. Накшбанд ва Навоий /Мас.мух. Н.Комилов.-Т.: Ўқитувчи, 1996.-216 б.

Ражабов Н. Алишер Навоий ва она тилимиз: ўқув-услубий қўлланма.-Т.,1992.-75 б.

Шарипов Ш. Лисон ут-тайр ҳақиқати /Нашрга тайёрл., тўпловчи ва сўз боши муал. Иброҳим Ҳаққул.-Т.: Маънавият, 1998.-155 б.

Қаюмов А. Нодир саҳифалар: [Навоийнинг кам ўрганилган баъзи асарлари тўғрисида] / Мас. мух. Л.Халилов.-Т.: Фан, 1991.-144 б.

Қодиров А. Навоий ва тиббиёт.-Т., 1991.-24 б.

Қудратиллаев Ҳ. Навоийнинг адабий-эстетик олами: Навоийга армуғон.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,1991.-160 б.

Ғаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари /Мас.мух. Н.Каримов.-Т.: Маънавият, 2001.-64 б.

Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар /Мас.мух. Ю.Турсунов.-Т.: Фан, 1991.-51 б.
Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси.-Т., 1991.-40 б.

* * *

Абдуллаев А. Валиқулов Ю. Бир ғазал шухрати: [Шоир Алишер Навоийнинг ғазаллари хусусида] //Соҳибқирон юлдузи.-1998.-19 май.

Абдуллаев А. Навоий асарларида Жомий тимсоли //Жаҳон адабиёти.-2004.-№2.-Б.152-155.

Абдуллаев А. Навоий ва Мавлоно Бурхониддин //Ўзбек тили ва адабиёти.-2004.-№1.-Б.26-28.

Абдуғафуров А. Маънолар хазиналари: [Навоийхонлик] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1999.-5 февр.

Абдуғафуров А. Навоийнинг номаълум ғазаллари //Шарқ юлдузи.-1994.-№1-2.-Б.138-141.

Аҳмад Тошпўлат. Навоийни билмоқ учун... [Шеър] //Мулоқот.-2000.-№ 6.-Б.34.

Азизов Б. “Дарвозасиз қасрча”га сайр”: [Алишер Навоийнинг коинот хусусидаги шеърий баёни ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2005.-3 февр.

Азимов А. Улуғ вазир ёкути //Тошкент ҳақиқати.-2001.-20 янв.

Ал-Фақир Убайдуллоҳ. Алишер Навоийга Хожа Аҳрор валийнинг мактуби //Соғлом авлод учун.-2003.-9 февр.

Алиев А. Навоий Европада //Ишонч.-2000.-9 февр.

Алимов Б. Токиода Навоийхонлик кечаси //Ўзбекистон овози.-2004.-10 февр.

Alisher Navoiy. “Mukammal asarlar to’plami” //Sog‘lom avlod uchun.-2005.-№2.-b.14-15.

Аъзам Миразиз. Сен - ҳақиқат; ёрга минг жоним фидо; Не ажаб, ишқ офатидин чиқса жон...: [Навоий ғазалига мухаммаслар] //Ёшлик.-1998.-№ 1.-Б.9.

- Аъзамов А. Шеърят даҳоси, оллоҳ инъоми //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2001.-2 февр.
- Бахт Эрпўлат. Навоий қўллаган сўзлар //Туркистон.-2002.-10 сент.
- Баҳодир Ҳабиб. Алишернинг жонажон дўстлари //Тошкент оқшоми.-2001.-29 янв.
- Ботирхон Ақром. Илоҳий таълимот тимсоллари: [Навоийнинг шеърятини ҳақида] //Маърифат.-2004.-7 февр.
- Ботирхон Ақром. “Сўз гавҳари”нинг илоҳий баҳоси: [Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий шоҳбайтлари хусусида] //Жаҳон адабиёти.-2001.-№ 2.-Б.157-165.
- Ботирхон Ақром. “Сўзум мартабаси...”: Навоий ижодхонаси ҳақида суҳбатлар... //Жаҳон адабиёти.-2005.- № 2.-Б.82-93.
- “Боғ аро, демманг, хазонким...”: [Навоийхонлик] //Ёшлик.-1999.-№.-Б.40-41.
- Воҳидов Э. Навоий олдимиздаги юксак чўққи //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2001.-№1.-Б.30-31.
- Воҳидов Э. Навоий ғазалига мухаммас //Жаҳон адабиёти.-2003.-Б.6.
- Жумаҳўжа Нусратулло. Маънавий-жисмоний комиллик орзуси: [Алишер Навоий ҳақида] //Ватанпарвар.-2005.-8 февр.
- Жўраев Ҳ. Кўнгил кечмишларини кашф этиб: [Шоир Алишер Навоий лирик мероси ҳақида] //Ёшлик.-1998.-№ 3.-Б.8.
- Жўраев Ҳ. Навоий ғазалчилигида хусни матлаъ санъати //Ўзбек тили ва адабиёти.-1998.-№2.-Б.55-57.
- Жўраев Ҳ. Назм... шеър эмасми: [Шеър ва назм (лирика)ни фарқлаш талқини] //Ёшлик.-2001.-№1.-Б.1.
- Исмоилов О. Дилбарномаси: [Навоийнинг ижоди хусусида] //Қишлоқ ҳаёти.-2005.-8 февр.

- Йўлдошев М. Ҳамма замонлар шоири: [Навоийнинг адабий мероси ҳақида] //Мулкдор.-2004.-6 февр.
- Комилов Н. Навоий ва замонамиз //Жаҳон адабиёти.-2001.- №2.-Б.6-20.
- Маҳкамова Р. Навоий даҳосини ўрганайлик: [Талабаларга ўргатиш] //Маърифат.-2000.-26 февр.
- Мирзааҳмедова М. Навоий асарларида исломий талқинлар //Ўзбек тили ва адабиёти.-1999.-№1.-Б.29-33.
- Ойбек. Навоий: [Романдан парча] //Соғлом авлод учун.-2003.- №2.-Б.40.
- Олим Девона Каломий. Алишер Навоий ғазалига мухаммас //Шарқ юлдузи.-2000.-№ 5-6.-Б.65.
- Олим Султонмурод. Алишер Навоий рубойлари //Маърифат.-1995.-20 июль.
- Олим Султонмурод. Беқиёс бойлик: Навоий ўғитлари //Тошкент оқшоми.-1994.-9 март.
- Орипов А. Навоий ғазалига мухаммас //Жаҳон адабиёти.-2003.- №2.-Б.7.
- Очилов Э. Навоий ҳикматлари //Ишонч.-2004.-27 авг.
- Очилов Э. Навоийнинг форсий рубойлари //Ишонч.-2004.-23 февр.
- Пийч Роланд. Навоийга оид битиклар: [Навоийхонлик] //О.Сафаров тарж. //Жаҳон адабиёти.-2004.-№ 2.-Б.149-151.
- Ражаб Даврон. Замоннинг нодир инсони: [Алишер Навоий ҳақида] //Ватанпарвар.-2004.-7 февр.
- Рамазонов Н. Вафо мадҳи: [Алишер Навоий ҳақида] //Ишонч.-2005.-9 февр.
- Раҳмонов В. Мумтоз адабиётимизнинг энг мухташам қасри: [Алишер Навоий ҳақида] //Маърифат.-2005.-9 февр.
- Раҳмонов В. Оллоҳ жамоли ва инсон камоли: [Навоийхонлик] //Мулоқот.-2000.-№ 1.-Б.31-34.

Сайид Сирожиддин. Мир Алишер: [Шеър] //Нафосат.-2002.-май.

Салохуддинова М. Навоийнинг янги ғазали //Ўзбек тили ва адабиёти.-2004.-№1.-Б.34-36.

Синокулов У. Муҳокамат ул-луғатайдаги баъзи лингвистик жанрлар хусусида //Ўзбек тили ва адабиёти.-2004.-№1.-Б.45-48.

Убайдулло Темур. Ишқ ила бўлдим масал...: [Алишер Навоий ғазалига мухаммас] //Тошкент оқшоми.-1996.-7 февр.

Убайдулло Темур. Хусниддин гулзори бор: [Алишер Навоийга бағишланган мухаммас] //Тошкент оқшоми.-1995.-8 февр.

Умаров Э. Сўз гавҳари жилolari: [Алишер Навоий асарлари ҳақида] //Соғлом авлод учун.-2003.- №2.-Б.22-23.

Файзиёв Т. “Кўнгил мулки истар обод...” //Соғлом авлод учун.-2003.- №2.-Б.37-38.

Файзуллаев Б. “Дединг: Фано недур-ур?...”: Алишер Навоий хикматлари //Гулистон.-1999.-№1.-Б.40.

Ўринбоев А. Алишер Навоийга мактублар //Жаҳон адабиёти.-2003.- №2.-Б.7-11.

Ўринбоев А. Хожа Аҳрор Валийнинг Алишер Навоийга мактублари: [Навоийхонлик] //Мулоқот.-1999.-№1.-Б.23-25.

Қаро Соҳиб. “Етилиб дур”, “Коқулинг”: [Алишер Навоий ғазалига мухаммас] //Мулоқот.-2004.-№1.-Б.27.

Қаюмов А. ”Дехқонки, дона сочар...”: [Алишер Навоий ҳақида] /Қишлоқ ҳаёти.-2005.-8 февр.

Қаюмов А. Тун ва тонг кўшиғи: [Алишер Навоийнинг мухаммаси ҳақида] //Халқ сўзи.-2003.-10 май.

Қосимов У. Буюк эстетик таълимот: [Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий шоҳбайтлари ҳақида] //Жаҳон адабиёти.-2003.- №2.-Б.177-179.

Қурбонбоев Ҳ. Навоий ҳаётига оид сирлар-ёхуд бобомиз нега уйланмаган? // 7x7.-2004-1 февр.

Қурбонбоева М. Ҳазрат Навоий: [Шеър] //Маърифат.-2004.-7 февр.

Қурбонов А. Ойнинг зуҳал била қирони ёки Навоий ижодида ишбҳи иштиқоқ санъати //Жаҳон адабиёти.-2005.-№2.-Б.93-99.

Ғулом Ғафур. Алишер Навоий қабри устида //Жаҳон адабиёти.-2003.-№2.-Б.5-6.

Ғулом Ғафур. Тун билан тонг: [Алишер Навоий ғазалига Ғафур Ғулом мухаммаси] //Соғлом авлод учун.-2003.-№2.-Б.14.

Ҳайдар Сулаймон. Навоий ғазалига мухаммас //Ўзбекистон овози.-2004.-7 февр.

Ҳайитметов А. Алишер Навоий //Ўзбекистон миллий энциклопедияси 1 жилд. А.-Бешбалиқ.-Таҳрир ҳайъати: А.Аминов, Б.Аҳмедов, Ҳ.Бобоев ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2000.-Б.217-224.

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонасининг тарихи ва бугуни**

ХІХ асрнинг 2-ярмида Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинди, 1867 йилга келиб минтақада маркази

Тошкент бўлган Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилди.

Босиб олинган ўлкани ҳар томонлама ўрганиш, хўжалик-иқтисодий эксплуатациянинг ва бошқаришнинг тизимини ташкил қилиш мақсадида мустамлакачилар ўлкада маълум даражада илмий ишларни ташкил қилиш ва олиб боришни, кутубхона, музейлар очишни қўллаб қувватлайдилар.

Натижада XIX асрнинг 2-ярмида Ўрта Осиёга жуда кўплаб илмий экспедициялар йўл оладилар. Эндигина иш бошлаётган ва ўз фаолиятини илмий иш билан қўшиб олиб боришни истаган кўплаб ёш олимлар Туркистон ўлкасига хизмат қилиш учун кела бошлайдилар.

Россия илмий-хизматчилигининг вакиллари Ўрта Осиёда Бутунроссия илмий муассасалари ва жамиятларининг бўлимларини очдилар, илмий тадқиқот ишлари олиб бордилар. Уларнинг айримлари ўзларини Туркистон ўлкасининг табиий бойликларини, тарихини, маданияти, тили ва иқтисодий турмушини ўрганишга бағишладилар.

Илмий тадқиқотларнинг ривожланиши Туркистонга ва у билан қўшни мамлакатларга доир матбуот асарларини тўплаш заруриятини келтириб чиқара бошлади.

Илгари ўлка ҳақида мавжуд бўлган рус тилидаги озгина адабиёт ўлканинг Россия томонидан босиб олинганидан кейин тез кўпая борди. 1865 йилдан кейин ўлкани ўрганиш ва ўзлаштириш мақсадида уюштирилган жуда кўп экспедициялар тўғрисидаги қисқа ҳисоботлар ва маълумотлар кенг нашр қилина бошлади. Н.М. Пржевальский, И.В.Мушкетовнинг асарлари, Н.А.Маевнинг Туркистон ўлкаси ҳақидаги асарлари ва бошқа кўплаб асарлар нашр этилди. Вақтли нашрларда Ўрта Осиёнинг иқтисодий ва сиёсий тарихига, этнографиясига оид мақолалар пайдо бўла бошлади.

Туркистон билан қизикадиган ҳар бир кишига кўплаб газета, журнал ҳамда китоблардан фойдаланишга тўғри келди. Петербург (ҳозирги Санкт-Петербург), Москва ва Россиянинг бошқа шаҳарларида бундай манбалардан фойдаланишнинг иложи бўлган бўлса, аксинча Туркистонда бу нашрлардан фойдаланишнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам Туркистонда рус тилидаги адабиётларни сақловчи кутубхона ташкил қилиш зарурияти туғила бошлади.

Туркистонни идора этишга бошчилик қилган генерал-губернатор К.П.Кауфман бу заруриятни англаб, Тошкентда ўлкани тезроқ ўзлаштириш учун зарур бўлган ва махсус танлаб олинган китоблардан кутубхона ташкил этиш чораларини кўрди. У 1867 йилда Халқ маорифи вазирлиги, Рус Фанлар академияси, Халқ кутубхонаси, Рус география жамияти, Россия Бош штабига Тошкентда кутубхона ташкил этишга ёрдам беришни сўраб мурожаат қилади. Улардан Туркистон ҳақидаги илмий асарларнинг иккинчи нусхаларини ҳадя қилишларини сўрайди.

Бу ташкилотлар Тошкентда кутубхона ташкил қилишни қўллаб қувватлайдилар ва ўз китоб фондларидан янги ташкил этилаётган маданият ўчоғига юборишга рози бўладилар.

1867 йилда юборилган дастлабки китоблар Тошкентга 1868 йилда кўп қийинчиликлар билан етиб келади. Бундан ташқари, Харьков университети ҳам ўзининг нашрларидан янги ташкил қилинган кутубхонага юборади. Шу йиллари айрим шахслардан китоблар сотиб олинади ёки уларнинг ўзлари совға қилиш йўли билан ҳам китоб йиғилади 1870 йилга келиб жами 1200 номда 2200 китоб йиғилади.

Ана шу дастлабки бир неча юз китоб Туркистон Халқ кутубхонасининг ташкил этилишига асос бўлди.

Ҳамма совға қилинган ва сотиб олинган китоблар Туркистон генерал-губернатори канцеляриясининг бошлиғи Н.В.Дмитровский томонидан рўйхат қилинади.

1870 йил май ойида бу рўйхат кўриб чиқилиб, кутубхона ташкил қилиш мумкин деган хулосага келишади ва канцелярия биносида кутубхона ташкил қилиниб, Н.В.Дмитровский кутубхоначи қилиб тайинланади.

1872 йил Н.В.Дмитровский ўрнига мусиқачи В.В.Чуйко кутубхоначи қилиб тайинланади. Кутубхонанинг китоб фонди йил сайин секин ўсиб борди. 1876 йилга келиб 4401 жилдни ташкил қилган.

Туркистон Халқ кутубхонаси ўз фаолиятининг инқилобдан олдинги 47 йили давомида ўз китоб ва қўлёзмалар фондларини тузиш соҳасида анча ишлар қилди. 1880 йилда кутубхонада рус ва хорижий тилларда ёзилган 10 минг китоб мавжуд бўлса, 1905 йилда унда 40 минг жилддан ортиқ китоб бор эди. Кутубхонада Шарқ қўлёзмаларини тўплашга асос солинди.

XIX асрнинг 80-90 йилларига келиб кутубхона фонди Шарқ қўлёзма ва литографик асарлари билан ҳам тўлдирила бошланди. Масалан: 1895 йил кутубхонага 90 жилд Шарқ қўлёзмалари ва литографик асарлар олинган. Булар ичида Алишер Навоий “Ҳамса”си (1880)нинг литографик нашри, “Девони Мунис”, “Девони Раджи” ва бошқа асарлар бор эди.

1906 – 1910 йилларда кутубхонадан фойдаланувчи китобхонлар сони 379 тадан 910 тага, китоб бериш эса 10 345 номдан 15 933 номга етди.

1893 – 1899 йилларда кутубхона директори вазифасида С.А.Лидский ишлаган.

1917 йилдан кейин Туркистон халқ кутубхонаси 1918 йилда ташкил қилинган Халқ университети ихтиёрига берилди. 1918 йил февралда комиссия таклифи билан Туркистон Халқ кутубхонаси, 1920 йилда Туркистон АССР

Халқ Комиссарлари Кенгашининг махсус қарори билан “Туркистон Давлат кутубхонаси”га айлантирилди.

1920 йилга келиб кутубхонанинг штати 35 кишига кўпайди. Кутубхонада 3 бўлим ташкил қилинди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, 1918 йили кутубхонада ноёб ва асл қўлёзма асарлар бўлими ташкил қилинган. 1943 йилгача кутубхона шарқона қўлёзмалар сақловчи марказ ҳам ҳисобланган. Лекин шу йили Шарқшунослик институтида қўлёзмалар фонди ташкил қилингандан сўнг бу бўлим кутубхонадан ажралиб чиқди.

1921 йилда кутубхонада биринчи мартаба Н.А.Буров бошчилигида илмий библиография бўлими ташкил этилади. Бирок, бу ишни яхши йўлга қўйиш имкони бўлмади ва 1921 йил декабрда бу бўлим ёпилиб, вазифаси умумий бўлимга юкланади.

1924 йил 26 декабрдан кутубхона “Ўрта Осиё Давлат кутубхонаси” деб юритила бошланди ва Ўзбекистон Халқ маорифи Комиссарлар Кенгаши ихтиёрига ўтказилди.

1934 йилда эса кутубхона “Ўзбекистон ССР Давлат халқ кутубхонаси” деб юритила бошланди.

1930 йилда илмий библиография бўлими, 1932 йилда фондни тўлдириш бўлими, китобларга ишлов бериш бўлими, 1933 йилда китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими, 1934 йилда ўқув зали ташкил қилинди.

1948 йили Алишер Навоийнинг 500 йиллик муборак тўйи муносабати билан кутубхонага Алишер Навоий номи берилиши ҳақида Фармон эълон қилинди.

1955 йил апрел ойидан Ўзбекистон Давлат кутубхонаси Республикада кутубхоначилик ишини ривожланишида асосий марказ ҳисобланиб, методик бўлими ташкил қилинди.

Бу бўлимнинг вазифаси илмий-методик ишлар, кутубхоначилик ишини ташкил қилиш, кутубхоначилик иши мутахассисларининг узлуксиз таълими, кутубхоначи-

лик илғор тажриба мактабларининг асоси, республика кутубхоналари учун мувофиқлаштирувчи методик марказдир. Бўлим мунтазам равишда методик-библиографик қўлланмалар, обзорлар тайёрлаб Республика кутубхоналарига тарқатиб туради.

Кутубхонада 1956 йилдан хорижий кутубхоналар билан китоб алмашиш йўлга қўйилган. Масалан, 1970 йилда жаҳоннинг 90 дан ортиқ ташкилотлари билан алоқа ўрнатилди. 1980 йилларга келиб бу ташкилотларнинг сони 115 тага етди. Бугунги кунда эса 30 га яқин давлат ва 150 га яқин ташкилот билан ҳамкорлик қилинган. 2003 йилдан бошлаб Европа ва Американинг йирик нашриётлари билан шартномлар тузилган. Германиянинг EBSCO Information Services компаниясининг 125 номдаги илмий журналларига, АҚШнинг EBSCO publishing компаниясининг 18000 нусхадаги нашрларининг электрон маълумот базасига эга.

Хорижий тиллардаги адабиётлар бўлими кутубхона очилган дастлабки кунларда ташкил этилган. Ҳозирги кунда 350000 нусхадан ортиқ форс, араб, ҳинд, турк тилларидаги асарлар ушбу коллекциядан муносиб жой олган. Илмий-техника мазмунидаги адабиётлар, жаҳоннинг етакчи ноширлик фирмаларининг китоблари, газета-журналларининг умумий адади 240000 дан ортади.

Фондларни депозитар сақлаш бўлимида XVI – XIX асрларга оид нашрлар бўлиб, аксарият ҳарбий, тарихий, географик, филологик мазмундаги рус ва Европа тилларидаги нодир йиғмаларни ташкил қилади.

“Нодир нашрлар ва қўлёзмалар” бўлимида 250 мингдан ортиқ нашр бўлиб, уларнинг 15 мингдан кўпроғи бебаҳо китоб ва қўлёзмалардир. Бўлимда сақланаётган 594 жилдлик “Туркистон” тўплами Марказий Осиёнинг 1868 йилдан 1917 йилгача бўлган тарихи ҳақида маълумот берувчи ягона нусха ҳисобланади. Ҳозирги кунда ушбу “Туркистон” тўпланининг электрон варианты тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги № ПФ-3029 рақамли “Илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармониغا мувофиқ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасига 2002 йил 12 апрелда Миллий кутубхона мақоми берилди.

2002 йил 12 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Қарорда Ўзбекистондаги бутун кутубхоначилик жараёнларини илмий-методик жиҳатдан мувофиқлаштириш, бошқариб бориш, уларга методик ёрдам кўрсатиш каби жуда катта вазифалар Миллий кутубхона зиммасига юклатилган. Жумладан, Миллий кутубхонага қатор имтиёзлар ҳам берилган. Масалан, Миллий кутубхонага ҳар қандай нашр ва аудио-видео материаллардан икки нусхадан мажбурий тартибда бепул бериш белгилаб қўйилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий кутубхонада 20 та бўлим мавжуд бўлиб 201 та кутубхона ходимлари бўлиб, улардан 119 таси олий маълумотли, бу олий маълумотли ходимлар орасида 98 нафари махсус кутубхоначилик маълумотига эга. 57 нафар ходим ўрта махсус маълумотга эга. Улардан 45 нафари махсус кутубхоначилик маълумотга эга ходимлардир.

Кутубхонада Интернет аудиториялари ишлаб турибди. Энди китобхонлар учун нафақат юртимиздаги, балки АҚШ, Буюк Британия, Россия, Малайзия каби давлатларнинг электрон кутубхоналаридаги адабиётлар билан ҳам танишиш имкониятлари яратилган.

Кутубхонада жаҳон халқларининг 75 дан ортиқ тилларидаги 10 млн. нусхадан зиёд китоблар, 250 мингдаги ортиқ газета ва журналлар мавжуд. Улар кутубхонанинг ўта ноёб ва нодир коллекциясига киради. Фондда XV – XX асрларга оид Шарқ қўлёзмалари, Ғарбий Европа босма

нашрлари, Ўрта Осиёда дастлаб чиқарилган тошбосма нашрлар, мамлакатимиз фани, маданияти ва санъатининг машҳур арбоблари дастхатлари битилган китоблар, матбаа санъатининг намуналари, альбомлар, миниатюра китоблари мавжуд.

Китобхонларнинг йиллик ўртача қатнови 500 000, йиллик китоб бериш миқдори 1 750 000 нашрни ташкил этади. 13 000 дан ортиқ турли хусусиятдаги библиографик маълумот берилади, энг арзон нархларда 28 турдаги ноанъанавий хизмат кўрсатилади.

Кутубхона фондига ҳар йили китоб, харита, нота, грамофон ёзувлари, техникага оид адабиётларнинг махсус турлари, микрофильмлар, газета, журналлар ва бошқа нашрлар олинади.

Кутубхона нафақат китобхонларга хизмат кўрсатиш, улар билан оммавий тадбирлар, китоб кўргазмалари ташкил қилиш билан чекланмай кўргазмадаги адабиётлар обзори, китоб тақдими, илмий-амалий анжуманлар, шоир ва ёзувчилар, йирик олимлар билан учрашув кечалари ва бошқа тадбирлар ўтказиладиган марказга айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси МДХдаги кутубхоналар, илмий муассасалар, хорижий мамлакатлар муассасалари ва халқаро ташкилотлар билан узвий алоқада. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Кутубхоналар Ассоциацияси – йирик кутубхоначилик ташкилотлар: ИФЛА, Евроосиё Кутубхоналар Ассоциацияси электрон кутубхоналар ва янги ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчилар, ҳамда фойдаланувчилар халқаро Ассоциациясининг аъзоси.

Кутубхона яна Америка Кутубхоналар Ассоциацияси билан, айниқса Конгресс кутубхонаси билан жуда яқин муносабатда. Тошкентдаги Гётте институти билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилган. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган “Британия Кенгаши” фонди орқали Буюк Британия кутуб-

хоналари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунингдек, Россия, Ҳиндистон, Покистон, Эрон кутубхоналари билан ҳам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Ўзбекистондаги чет давлатлар элчихоналари билан ижодий алоқалар ўрнатилган.

Малайзия давлати билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилган. Миллий кутубхона ходимлари Малайзияга иш тажрибасини ўрганиш мақсадида хизмат сафарларида бўлмоқдалар.

Мустақиллик йилларида бошқа соҳа ходимлари катори кутубхона ходимларига ҳам катта эътибор берилиб келинмоқда. Жумладан, юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан ватанимиз обрў-эътибори ва шон шухратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун кутубхона директори, А.О.Умаров “Шухрат” ордени (1998), Ёшлар ресурс ахборот маркази мудираси Л.Б.Горбунова “Дўстлик” ордени (2005), Нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлими мудираси Р.Файзуллаев (2000), Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари И.З.Маминова (2001), Фондларни тўлдириш бўлими мудираси М.А.Юлдошева (2003), Ўзбекистон Миллий китоб палатасининг бош библиографи С.Пўлатова (2005) “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвонлари билан мукофотланганлар.

Бу йил Миллий кутубхона 135 ёшга тўлди. Ўйлаймизки, кутубхона 135 йилдан буён халқимизга хизмат қилиб келаётган экан, 26 миллиондан ортиқ аҳоли яшаётган Мустақил Ўзбекистонимизнинг авлод-аждодларига бундан кейин ҳам зиё маскани бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар

Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2002 й. 20 февр. Фармони //Хабарнома.-2002.-№1.-Б.85-87.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 й. 12 апр. № 123 Қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлар тўплами.-2002.- № 4.-Б.10-12.

* * *

Абдусаматов Ш. Маърифатнинг нурли манзили: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳақида] //Ҳуқуқ.-2005.-26 янв.

Алимов Ш., Бойтуллаев Р. Китоб – бебаҳо хазина: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасининг фаолияти ҳақида] //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.-2000.- № 4.-Б.56-57.

Алимов Ш., Бойтуллаев Р. Уч аср билан юзлашиб: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасининг ўтмиши ва ҳозирги кундаги фаолияти ҳақида] //Марказий Осиё маданияти.-2000.-апр.

Алимов Ш. ва бошқ. Китобсиз уй – жонсиз тан: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 135 йиллигига: Кутубхоналар тарихи ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳақида] //Фидокор.-2005.-8 февр.

Бойтуллаев Р. “Туркистон тўплами”да Тошкент тарихи: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг “Нодир нашрлар ва қўлёзмалар” бўлимида сақланиб келинаётган тарихий илмий тўплам ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2005.-3 май.

Замон билан ҳамнафас: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳақида] //Тошкент ҳақиқати.-2004.-31 июль.

Зиё маскани: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳақида фотолавҳалар] /Д.Юсупов олган суратлар //Тошкент оқшоми.-2005.-27 янв.

Исомиддинов З.Н. Нодир асарлар хазинаси: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси директори билан суҳбат] /Суҳбатдош М.Ҳабибуллаева; Т.Ниғматуллин олган суратлар //Тошкент оқшоми.-2002.-15 апр.

Йўлдошев А. Кутубхона нашриёти: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида чоп этилган шеъринг тўплам ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2005.-26 янв.

Кутубхона ва компьютер /Н.Муҳаммаджонов олган сурат; [Ёшлар ахборот ресурс маркази бошлиғи Л.Горбунова кутубхонага янги қўлланманинг электрон версиясини тушунтираётганлиги тасвирланган фотолавҳа] //Халқ сўзи.-2003.-2 июль.

Кутубхона Интернетга уланди: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Интернет маркази очилди] //Тошкент оқшоми.-2004.-28 апр.

Мамлакатимизда: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Эрон Ислом Республикасининг Миллий кутубхонаси билан биргаликда битим тузгани ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2005.-13 янв.

Мансуров Б. Кутубхона хизмати яхшиланмоқда: [Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасига қиймати 2,5 млн. сўмлик чек ва 400 номдаги 800 та адабиётлар тақдим этгани ҳақида] //Тошкент ҳақиқати.-1999.-5 нояб.

Мустақиллик майдонидаги маънавий хазина: [Марказий Осиёдаги энг йирик кутубхоналардан бири Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Республикаси Давлат

кутубхонаси директори А.Умаров билан суҳбат]//Марказий Осиё маданияти.-1998.- №7.- (июль.)

Нарзуллаев Н. Мозий ва келажак туташган манзил: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасининг ҳозирги кундаги фаолияти хусусида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1998.-21 авг.

Нашр электрон каталогда: [Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нодир нашрлар бўлимида сақланаётган “Туркистон тўплами”нинг электрон каталоги тузилганлигига оид ахборот] //Халқ сўзи.-2003.-29 июль.

Пўлатов А. Бой манбалар: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасида жаҳоннинг турли мамлакатларидан кўплаб номда ҳар хил нашрларни қабул қилиниб сақланаётгани ҳақида] //Ўзбекистон овози.-1992.-25 янв.

Пўлатов Ў. Маърифий мавзудаги тадбир: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ”Ахборотлар асрида кутубхонанинг ўрни” мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2004.-27 окт.

Раҳмонбердиева Ю. Кутубхонага бораяпсанми тенгдошим: [”Турон” ва Навоий кутубхоналарининг иш фаолияти ҳақида] //Маърифат.-2003.-20 авг.

Саодат соҳили: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси директори А.Умаров билан китобхонлик маданияти хусусида суҳбат] /Суҳбатдош Ботир Насриддин //Маърифат.-2000.-23 авг.

Умаров А. Инсон китоб билан илгарилаб кетади: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг директори А.Умаров билан суҳбат] /Суҳбатдош Р.Зоир //Хуррият.-2004.-27 окт.

Умаров А. Китобга талабгорлар бор... ёки интернет китоб ўрнини боса оладими?: [Алишер Навоий ном.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори билан суҳбат] /М.Назарова суҳбатлашди //Туркистон.-2003.-22 май.

Умаров А. Кутубхона ва маънавият: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори билан суҳбат] /Суҳбатни Н.Усмонова ёзиб олди //Ватанпарвар.-2003.-15 июль.

Умаров А. Кутубхона фаолияти ва мутолаа маданияти: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи ҳақида] //Жамият ва бошқарув.-2004.- № 1.-Б.14-18.

Умаров А. Кутубхоначилик: кеча ва бугун: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори, Ўзбекистон Кутубхоналар Ассоциацияси раиси билан суҳбат /Д.Ражаб ва Д.Бойбекова суҳбатлашдилар //Гулистон.-2004.- №3.-Б.3-4.

Умаров А. Маънавиятнинг кутлуғ даргоҳи: китоб-олам уйи: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасининг раҳбари А.Умаров билан суҳбат] /Суҳбатдош С.Шодиева //Гулистон.-1998.- № 4.-Б.58-59.

Умаров А. Мутолаа маданияти муаммолари: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори билан суҳбат] /Суҳбатдош А.Ғаффоров //Туркистон.-2005.-2 март.

Умаров А. Мустақиллик майдонидаги маънавий хазина: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси директори билан кутубхоначилик тўғрисида суҳбат] /Суҳбатни А.Бобоев олиб борди //Марказий Осиё маданияти.-1998.- июль.

Умаров А. Оврўпага дарс берган аллома: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси директорининг Германияга қилган сафари ҳақида суҳбат] /Суҳбатдош Нодир Жонузоқ //Республика.-1998.-23 окт.

Умаров А. Хазиабон билан кадриятлар ҳақида суҳбат: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасининг директори билан суҳбат] /Суҳбатдош В.Сайкина //Солиқлар ва божхона хабарлари.-1999.-21-27 янв.

Усмонова Н. Замоनावий технологиялар ва кутубхоналар: [Тошкент Давлат Авиация институтида фан, таълим, маданият ва бизнес соҳасида Интернет ва кутубхона ахборот ресурсларидан фойдаланишга бағишланган анжуман бўлиб ўтгани ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2004.-25 нояб.

Усмонова Н. Интернетга уланди: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Интернет маркази иш бошлагани ҳақида] //Тошкент ҳақиқати.-2004.-28 апр.

Усмонова Н. Тақдимот маросими: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан яратилган илмий-маърифий электрон ахборот ресурслари ва маълумотлар базаси тақдироти бўлиб ўтгани ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2004.-8 нояб.

Файзуллаев Р. Женисконнинг Ўрта Осиёга саёҳати: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасининг “Нодир нашрлар ва қўлёзмалар” бўлими фондида таниқли ва машҳур сайёҳларнинг турли тиллардаги китоблари сақланиб келинади] //Тошкент оқшоми.-2001.-17 янв.

Файзуллаев Р. Индонезия Президентининг тухфаси: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг “Нодир нашрлар ва қўлёзмалар” бўлимида сақланаётган доктор Сукарно совға қилган 6 жилдлик расмлар йиғиндиси ҳақида] //Тошкент оқшоми.-1998.-23 янв.

Файзуллаев Р. Минг йил юзини кўрган: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг “Нодир

нашрлар ва қўлёзмалар” бўлими фаолиятдан] //Тошкент оқшоми.-2003.-16 янв.

Файзуллаев Р. Хазина: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасининг “Нодир нашрлар ва қўлёзмалар” бўлимининг фаолияти ҳақида] //Халқ сўзи.-2001.-9 февр.

Халқаро анжуман: [Тошкент Давлат авиация ин-тида кутубхоначилик ишида янги ахборот технологияларининг ўрни ва чет эл кутубхоналари ҳамда Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси иш тажрибалари конференцияда оммалаштирилгани ҳақида хабар] //Тошкент оқшоми.-2003.-16 февр.

Шожалилова Ш. Китоб – офтоб: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2004.-18 нояб.

Электрон каталог: [Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг “Нодир нашрлар ва қўлёзмалар” бўлимида сақланаётган “Туркистон тўплами”га электрон каталог яратилганига оид ахборот] //Тошкент оқшоми.-2003.-4 авг.

Эшонқулов З. Янги қироатхона: [Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонасида очилган қироатхона ҳақида ахборот] //Ватанпарвар.-2003.-3 окт.

Мундарижа

Муқаддима	3
Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти	6
Алишер Навоий рубоийларидан намуналар	20
Навоийнинг ҳикматли сўзлари	21
Президентимиз И.А.Каримов Алишер Навоий ҳақида	22
Алишер Навоий замондошлари хотирасида	23
Қардош халқлар вакиллари Алишер Навоий ҳақида ...	26
Чет эллик машҳур шахсларнинг Алишер Навоий ҳақидаги фикрлари	28
Алишер Навоий XX – XXI аср олимлари ва ёзувчилари талқинида	29
Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар	31
Ғазалхонлик беллашувини ташкил қилишга тавсиялар	37
Давра суҳбати	42
Мунозара кечаси	43
Китоб-суратли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар	44
Кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми	46
Адабиётлар	51
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг тарихи ва бугуни.....	66
Адабиётлар	74

Босишга рухсат этилди 2006 йил “___” январ
Бичими 60x84 ¹/₁₆ наshr. т.300 нусха. Буюртма №____

Тошкент ш., Х.Сулаймонова кўчаси, 33-уй. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп этилди